

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТАМАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети

УДК _____

КЕНЖЕБАЕВА ГУЛЬНУР МАРАТОВНА

**«Ўзбекистон олимларининг қиёсий тилшуносликни
ривожлантиришга қўшган ҳиссаси»**

**Мутахассислик: 5A120102 Лингвистика (инглис тили)
Магистр даражасини олиш учун**

ДАК ҳимояга тавсия этилади
Магистратура бўлими бошлиғи
_____ доц. Гулимов А.

Кафедра мудири _____ п.и.н Мамырбаева Д.
Илмий раҳбар _____ п.ф.д. проф. Юсупов У.К

НУКУС – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш

Биринчи боб. Чоғиштира тилшунослик қиёсий тилшуносликнинг бўлими сифатида

- 1.1.** Қиёсий тилшуносликнинг бўлимлари
- 1.2.** Махмуд Қашғарий ва Алишер Навоийларнинг тилларни қиёслашга бағишланган асарлари ҳақида
- 1.3.** Ўзбекистондаги чоғиштира тилшунослик бўйича қилинган илк бор ишлар

Биринчи боб бўйича хулосалар

Иккинчи боб. Профессор Ж.Бўроновнинг тилларни қиёслаш бўйича назарияси

- 2.1.** Профессор Ж. Бўроновнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида
- 2.2.** Профессор Ж. Бўроновнинг қиёсий тилшуносликни ривожлантиришга қўшган хиссаси

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Учинчи боб. Профессор Ў.Қ.Юсуповнинг тилларни қиёслаш бўйича назарияси

- 3.1.** Профессор Ў.Қ.Юсуповнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида
- 3.2.** Профессор Ў.Қ.Юсуповнинг чоғиштира тилшуносликни ривожлантиришга қўшган хиссаси
- 3.3.** Чоғиштира тилшунослик бўйича ҳимоя қилинган бошқа диссертациялар ҳақида

Учинчи боб бўйича хулосалар

Умумий хулосалар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Республикамизнинг мустақилликка эришиши натижасида юртимизнинг бошқа мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалари мислсиз даражада ўсди. Бунинг натижасида ёшларнинг чет тилини ўрганишга бўлган қизиқиши ҳам юқори даражада ошди. Бу ҳақида юртбошимиз И.А.Каримов бундай дейдилар: “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”.¹ Бу фикрни 10 декабрь 2012 йилда Президентимиз томонидан чет тилларни ўқитиш системасини янада такомиллаштириш ҳақидаги қарори яна бир маротаба тасдиқлайди². Бу воқеалар республикамизда чет тили бўйича юқори савияли ўқитувчиларни, таржимонларни, дастурларни, дарсликларни ва илмий ишларни ривожлантиришга эҳтиёж тугдирди. Чет тилини ўрганишда чогиштира тилшуносликнинг роли беқиёсдир. Чунки чогиштира тилшунослик чет тилини талабаларимиз учун қийин ва осон томонларини (интерференция) кўрсатиб бера олади, яъни тиллараро интерференцияларни ва фацилитацияларни аниқлашга ёрдам беради. Чогиштира тилшуносликнинг ривожланишига республикамиз олимлари катта хисса қўшганлар. Бугунги кунда республика олимлари қўшган хиссаларини очиб беришга катта эҳтиёж бор.

Маълумки, тарихда буюк алломаларимиз бўлмиш Махмуд Кошгарий, Абу Наср Фаробий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқаларнинг фанга қўшган хизматлари барчага аён. Уларнинг меросини халқимиз чуқур ўрганмоқда. Бугунги кунда эса ҳозирги замонда фанга қўшаётган

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.:Ўзбекистон, 1998, 8-9 б

² Постановление Президента Республики Узбекистана “О мерах по дальнейшему совершенствованию систем изучения иностранных языков” 10 декабря 2012.

олимларимиз ишини кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан ишимиз мавзусини долзарб деб ҳисоблаймиз. Ишнинг яна бир долзарблиги шундан иборатки, мен танлаган бу мавзу, ҳали мутлақо ўрганилмаган соҳа.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари Мен ишимда республикаимиз олимлари чоғиштира тилшуносликка қўшган ҳиссаларини экувчиларга етказишни эз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бизнингча бу ҳам халқимиз кадриятларини аниқлашдаги қадамлардан биридир. Қиёсий тилшуносликдаги олимларимиз ишини 2 асосий турга бўлишимиз мумкин:

1. Олдига чоғиштира тилшунослик назариясини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган асарлар.

2. Конкрет тилларни қиёслаган асарлар.

1- турдаги ишларга профессорлар Ж.Бўронов, У.Юсуповларнинг ишини келтириш мумкин. Бўронов Ж. “Инглиз ва Ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси” Тошкент “Ўқитувчи”, 1973; “Сравнительная типология английского и тюркских языков” Москва: Высшая школа, 1983; “Типологические категории и сравнительное изучение языков” (Филология Фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация) Москва: 1979; Юсупов Ў.Қ. “Проблемы сопоставительной лингвистики” (Фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация) Москва, 1983; “The grammatical Structures of English, Uzbek and Russian” Тошкент: Ўқитувчи, 1986; “Теоретические основы сопоставительной лингвистики” Тошкент: Фан 2007;

2- турдаги ишларга, О.Азизов, А.А.Абдуазизов, М.Абдураззоков М.Расулова ва бошқаларнинг ишини киритиш мумкин.

Биз ишимизда асосан Ж Бўронов ва У Юсуповларнинг ишларини таҳлил қилишга жазм қилдик, чунки бу ишларда чоғиштира тилшуносликнинг назарияси ривожлантирилган ва бу ишларнинг айримлари аспирантлар учун мажбурий адабиётлар рўйхатига киритилган эди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси бу мавзу, ҳали мутлақо ўрганилмаган соҳа.

Тадқиқот объекти Махмуд Қашғарий, Алишер Навоий, Ж Бўронов, У. Юсупов ва бошқаларнинг чоғиштира лингвистика соҳасидаги асосий ишлари.

Тадқиқот предмети Махмуд Қашғарий, Алишер Навоий, Ж Бўронов, У. Юсупов ва бошқаларнинг чоғиштира лингвистика назариясини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси.

Тадқиқотнинг назарий асослари диссертация инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштира лингвистика фанини маълум даражада ривожлантиради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги диссертациямиздаги янгилик республикамиз олимлари чоғиштира лингвистикани ривожлантиришдаги ролини очиқ берилганлиги.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишимизнинг амалий аҳамияти эса, ҳар қандай икки тилни қиёслашда, ишни натижасини чоғиштира тилшуносликдан маъруза ўқиладиган олий ўқув юртларда фойдаланиш мумкин.

Кутилаётган натижалар ва муаммо ечимлари ишни бажарилиши қадриятларимиздан бири бўлган ўзбек олимларининг жаҳон фанига (тилшуносликка) қўшган ҳиссасини аниқлайди.

Магистрлик диссертациясининг структуравий тузилиши Иш кириш, 3 боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

1- бобда чоғиштира тилшунослик қиёсий тилшуносликнинг муҳим бўлимларидан эканлиги, ҳудудимизда яшаб ўтган буюк адиблар М.Қашғарий ва Алишер Навоийларнинг қиёсий тилшуносликка бағишланган ишлари, республикамиздаги чоғиштира тилшунослик соҳасидаги Е. Д. Паливановнинг, О. Азизов ва бошқаларнинг илк бор ишлари таҳлил қилинади.

2 - бобда профессор Ж Бўроновнинг чоғиштира тилшунослик хақидаги назариялари, 3 – бобда профессор У. Юсуповнинг назариялари ва кейинги пайтда ёзилган энг сўнгги чоғиштира тилшунослик бўйича ишлар таҳлил қилинади. Умумий хулосада ишимизнинг асосий натижалари баён қилинади.

Биринчи боб

Чоғиштира тилшунослик қиёсий тилшуносликнинг бўлими сифатида

1.1.Қиёсий тилшунослик ва унинг бўлимлари

Маълумки, тилшунослик тил, нутқ ва нутқ фаолияти ҳақидаги фандир. Аммо “тил” тушунчаси кўпинча нутқ ва нутқ фаолияти тушунчалари ўрнида ҳам ишлатилади. Шунинг учун кўпчилик олимлар тилшуносликни тил ҳақидаги фан деб ҳисоблайдилар.

Тилшунослик бир қанча бўлимларга бўлиниб, уларнинг бири қиёсий тилшуносликдир. Қиёсий тилшунослик тиллари қиёслаб ўрганади, бошқача айтганда у тилларни қиёслаш билан шуғулланади.

Тилларни қиёслаб ўрганиш ҳақида гапирар эканмиз, биз қиёслаш нима эканлиги ҳақида гапирмаслик мумкин эмас.

Инсон нимани ўрганмасин, қаерга бормасин – бозоргами ? дўконгами ? ёки келин ёки куёв танлайдими ? барибир қиёслаш операциясидан фойдаланади. Қиёслаш – бу онгдаги универсал операциядир. Қиёслаш натижасида биз қиёсланаётган нарсалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларнинг тенглиги ёки тенгсизлиги, айнанлиги ёки тескари эканлигини аниқлаймиз. (Иванов П.И. 1964. 210). Қиёслаш ҳақида буюк рус педагоги К.Э. Ушинский (1936. 436) бундай деган эди: “- сравнение есть осново всякого понимания и познания. Все в мире мы узнаем не иначе, как через сравнение”. Шунга ўхшаш фикрларни мантиқшунослар, тилшуносликлар ва бошқа фан номоёндалари ҳам билдиришади:

Н.И. Кондаков (1954. 129): “Сравнение – это установления сходство и различия предметов и явления объективной действительности, иначе говоря,

познание любого предмета и явления начинается тогда, когда мы сравниваем его с другими ”.

В.А. Виноградов (1973. 233): “В лингвистике нет такой области, которой был бы совершенно чужда сравнительная методика описания”.

Г.А. Климов (1972. 12): “Едва ли требует доказательство тот факт что в основе всей совокупности методом лингвистического исследования лежит приём сравнения”.

Тилшуносликда ички ва ташқи (тиллараро) қиёслашлар фарқланади. Ички қиёслаш бир тил ичидаги ўхшаш бирликларга қиёслашдир.

Қиёслашсиз ҳеч бир тил тил бирликларининг хусусияти ва мақомини аниқлаб бўлмайдди.

Ички қиёслаш методикаси биринчи бор фонология бирликлари бўлмиш фонемаларни илмий қиёслаш сифатида Н.С. Трубецкой томонидан ишлаб чиқилди. У фонемаларни аниқлашда турли хил қарама – қаршиликларни (оппозициялар) қуриш назариясини олдинга сурди. Бу оппозициялар ичида “эквивалент”, “приватив” ва “градуал” оппозициялар фонологиядан бошқа сатҳларни, яъни грамматика ва лексика сатҳларнинг бирликларини ҳам аниқлаш учун қўлланила бошланди. Бу оппозицияларни турли сатҳларда қўлланишига мисол келтирамиз.

Фонологиядан мисол: (Z) ва (S) фонемаларни бир-бирига жаранглилик ва жарангсизлик белгилари билан қарама – қаршиликка киришади: Z – жарангли, S-жарангсиз (приватив оппозиция).

Грамматикадан мисол: отлардаги сон категорияси, аъзолари бир-бирларига бирлик ва кўплик маънолари ва уларни ифодаловчи формалар, яъни “ноль” морфемаси ва “S” морфемасини бир-бирига қарама – қаршиликлигидан ҳосил бўлади: book-books (китоб-китоблар) (эквивалент оппозиция).

Лексикадан мисол: boy (ўғил бола)-girl (қиз бола) сўзлари маъно жихатдан эркаклик – аёллик жинслари бўйича фарқ қиладилар (эквиволент оппозиция)

Н.С. Трубецкойнинг оппозиция назарияси ички қиёслашдаги энг ишонарли илмий қиёслаш усулига айланди.

Нарса ва ходисаларни қиёслаш да қиёслаш учун белгиларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, кийим танлашда қиёслаш учун унинг нархи, размери, ранги, тикилган материали, фасони каби белгилари олинмиши деб аталади. Қиёслаш учун белгилар танлашда ҳар қандай белги олинмай, балки муҳим белгилар танланади, аммо бундай белгилар субъектив бўлиши мумкин. Масалан, келин танлаганида унинг участкада ёки домда яшаши танловчи учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин, бировлар учун эса бундай белги аҳамиятли бўлиши мумкин. Айтиш лозимки, тил бирликларини қиёслашда муҳим белгилар танлаш лозим.

Ташқи қиёслаш (тиллараро қиёслаш) камида икки тилдаги ўхшаш (бир номли) бирликларни қиёслашдир. Бундай қиёслаш тасодифий ёки мунтазам (доимли) бўлиши мумкин.

Тасодифий ташқи қиёслаш бир тилни тадқиқот қилишда учрайди. Қуйида мисоллар келтирамиз:

Француз тили структурасини тадқиқот қилаётган Ю.С.Степанов француз тилидаги келаси (fituz) ва ҳозирги (present+) замонларни ишлатилишини рус тилидаги ўхшаш тил ходисаси билан қиёслаб бундай дейди: частотность употребления форма present в место fituz во французском языке по сравнению с русским выше за счёт некоторых второстепенных значений последний (Степанов Ю.С. 1965. 77-78).

Ўзбек тили грамматикасини ёзган А. Н. Канонов жонлилик – жонсизлик грамматик категорияси ҳақида ёзади: “В узбекском языке как в других тюркских языках нет непосредственных грамматических категорий

одушевленности как это, например имеет в место в русском языке” (Кононов А.Н. 1960. 74).

Мунтазам ташқи қиёслаш бир неча тилларни қиёслашда қўлланилади ва бунда ўша тиллар етарли даражада чуқур, ҳар томонлама қиёслашди.

1.1. Қиёсий тилшунослик ва унинг бўлимлари.

Қиёсий тилшунослик, юқорида айтилганидек, тилларни қиёслаш билан шуғулланади. У уч бўлимдан иборат:

- 1) Тарихий – қиёсий тилшунослик;
- 2) Типология;
- 3) Чоғиштира тилшунослик; (Юсупов Ў. К. 2007. 6).

Тарихий - қиёсий тилшуносликнинг вазифалари:

- 1) бобо тилларни аниқлаш;
- 2) бобо формаларни аниқлаш;
- 3) қариндош тилларни аниқлаш;
- 4) қариндош тилларнинг қариндошлик даражасини аниқлаш;
- 5) тилларни генеологик (келиб чиқиши бўйича) турларга бўлинади;

Қиёсий тилшуносликдаги бу йўналиш Франц боб, Расмуч Раск, Яков Гримм ва А.Х. Востоковлар асарлари асосида пайдо бўлган. (Бу ҳақида қаранг: Юсупов Ў.К. 2007, 6).

Типологиянинг вазифалари қуйидагилар:

- 1) тилларни турларга бўлиш;
- 2) тил универсалиялари, доменанталарини, фреквенталияларни, уникалияларини аниқлаш;
- 3) тилдаги формалар турларини аниқлаш;
- 4) тил эталонларини тузиш.

Бу йўналишнинг асосчилари В.Гумбольд, А. Шлейхер, Г. Штейноп, мФ.Мистели, Н.Финк, Ю.В.Рождественский, Б. Успенский ва бошқалар.

Тилларни турларга бўлишда тилшунослар морфологияни, синтаксисни, фонологияни, лексикани асос қилиб олишган.

Чоғиштирма тилшунослик одатда ўрганилаётган тил билан она тилини қиёслаб ўрганади. Агар мамлакатда учинчи тил, яъни давлат тили мақомидаги иккинчи тил бўлса, у ҳам қиёсланади. Масалан, рус тили Совет Иттифоқида давлат тили деб юритилар эди.

Чоғиштирма тилшунослик дастлабки назарияларини ҳосил қилишда чех лингвистлари В. Матезиус, Исаченко ва рус тилшунослари Е.Э. Поливанов, Н.С.Трубецкойлар роль ўйнайдилар.

Чоғиштирма тилшунослик ҳақида гапирганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим тилшунослар ҳар қандай қиёсий ишни типологик соҳасидаги иш деб қарайдилар (қаранг: Бўронов Ж. 1983), (Г.П. Санжеев. 1965. 85), А.Е. Супрун, (Д. Захарева 1965. 163), (Ж. Бўронов 1973. 7) ва бошқалар чоғиштирма тилшуносликни типологияга қўшадилар. Биз магистерлик диссертациямизда чоғиштирма тилшуносликни типологиядан фарқ қилувчи қиёсий тилшуносликнинг бир бўлими, яъни йўналиш деб биламиз. Европа мамлакатларида бу бўлимни “Контратив лингвистика”, “Сопоставительная лингвистика” деб атайдилар. Қиёсий тилшуносликдаги бу йўналиш Ўзбекистон Олий аттестацияси томонидан эътироф қилинганлиги муҳим қадам бўлди. Бу атама 10.02.20 ихтисослигида қуйидагича акс этган.:

10.02.20 - қиёсий – тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, лингвистик турларга бўлинади.

Назарий вазифалари:

- 1) қиёсланаётган тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш;
- 2) бир тилни тадқиқот қилиш жараёнида тилшунослик эътиборидан тушиб қолган тил ходисаларни аниқлаш;
- 3) тилдаги тендиенцияларни аниқлаш;
- 4) тиллааро эквивалентларни аниқлаш;
- 5) агар қиёсланаётган тиллар доимий контактда бўлса, бир-бирларига қилинган таъсирларни аниқлаш; масалан, ўзлаштирма сўзлар).
- 6) мумкин қадар ўхшашлик ва фарқ сабабларини аниқлаш;

7) тил универсалияларини қиёсланаётган тиллар материалларида текшириб кўриш;

Лингводидактик вазифалар:

1) аниқланган ўхшашлик ва фарқларни методик жihatдан аҳамиятини, яъни интерференция ва фациметация бериши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

2) ўрганаётган тилнинг (ходисанинг) она тили соҳиблари учун осон-қийин эканлигини аниқлаш;

3) тиллааро эквивалентларни аниқлаш;

4) тилни ўрганишда қиёслаш қайси ҳолатда фойда бериши мумкинлигини аниқлаш:

Демак, чет тилини ўрганиш ва ўргатишда чоғиштира тилшуносликнинг роли улкандир.

1.2. Маҳмуд Қашғарий ва Алишер Навоийларнинг тилларни қиёслашга бағишланган асарлари ҳақида

Европада чоғиштира тилшунослик бўйича илк бор ишлар XVIII асрда пайдо бўлган. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: “Звуки речи в английском и немецком языке” (К. Гранжери 1892). “Очерки по фонетике немецкого, английского и французского языков” (В.Вётр. 1894); “Очерк сравнительной грамматика грузинского и русского языков” (Я.С. Гогешавели. XIX век); “Польский язык сравнительно с русские и древнецеркивнославянским” (Ц.А.Бодуэн де Куртуне 1912); “Главные отличия французской звуковой системы от русской” (Л.В. Щерба. 1916).

Ўрта Осиёда эса бу лингвистик йўналиш XI асрда пайдо бўлган. Бу йўналиш Маҳмуд Қашғарий ва Алишер Навоийларнинг номлари билан боғлиқ. Биз бу билан фахрлансак бўлади.

Маҳмуд Қашғарийнинг “Девону луғат ат-турк” (Турк халқларининг луғати) асари XI асрда ёзилган бўлиб, у нафақат икки тиллик луғат, балки у туркий тилларни ўрганиш учун грамматик қўлланма, этнографик, тарихий, географик, фолкълор материяси ҳамдир. Ишдаги муҳим нарсалардан бири – бу биринчи туркий тилларининг ва шеваларининг таснифидир.

Алишер Навоий “Муҳокаматул ал луғатайн” асарининг асосий мақсади туркий тилни (эски ўзбек тилини) бадиий жihatдан ривожланганлиги, форс тилидан заррача ҳам қолишмаслигини ва айрим ҳолларда эса ундан устун эканлигини бир қанча стилистик маънога эга бўлган сўзлар ва ибораларни келтириш орқали исботлайди. Бу сўз ва ибораларга юздан ортиқ форс тилида эквиваленти йўқ бўлган феъллар, атамалар, синонимик сўзлар, чодир қисмларининг номлари, овнинг турлари, отларнинг бошқа предметларнинг номлари келтирилган.

Алишер Навоий туркий тилнинг салоҳиятини туркийда ёзилган асарлари билан ҳам юқорига кўтара олди.

Демак, Ўрта Осиёни, шу жумладан жонажон Ўзбекистонимизни чоғиштира тилшуносликнинг ўчоғи деса бўлади.

1.3. Республикамизда пайдо бўлган дастлабки қиёсий ишлар

Айтиш лозимки, Республикамизда қиёсий тилшуносликни учта йўналиш ичида чоғиштира тилшунослик юқори ривожланди. Бунда чоғиштира тилшуносликдаги икки хил мақсадни тилга олмасликнинг иложи йўқ. Чоғиштира тилшунослик билан шуғулланувчи олимларимизнинг иккаласи Ж. Бўронов, Ў.К.Юсуповлар ўз олдиларига чоғиштира тилшунослик назариясини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйдилар. Қолганлар эса конкрет тилларни қиёслашни мақсад деб билдилар.

Республикамиздаги дастлабки ишлар конкрет тилларни қиёслашдан бошланди. Бунга мисол қилиб машҳур тилшунос Е.Д.Поливановнинг

“Русская грамматика в сопоставлении с узбекском языком” (Т. 1934) асарини келтириш мумкин.

Е.Д.Поливанов Петурбургдан Ўзбекистонга юборилган бир қанча шарқ тилларини (хитой, япон, ўзбек) билувчи машҳур олим эди. У асосан Самарқанд Олий билим юртида ишлаб, ўзбек тили алфавитини яратишда, шеваларимизни ўрганишда, рус тилини ўзбекларга ўқитишда фаол қатнашди.

Е.Д. Поливановнинг “Русская грамматика в сравнение с узбекском языком” ва бошқа бир қанча асарлари чоғиштирма тилшуносликда лингводидактик йўналишга асос бўлди. У ишларида ўзбек талабаларини рус тили грамматикасини ўрганишдаги хатоларни кўрсатди ва бу хатоларнинг сабабини рус ва ўзбек грамматикаларидаги фарқлар деб “Интерференция” тушунчасига шаъма қилди. П.Д. Поливановнинг бу асари ҳалигача ўз кучини йўқотмай келмоқда.

Демак, собиқ совет даврида ўзбек тилини бошқа тиллар билан қиёслаш, уни рус тили билан қиёслашдан бошланди. Бунинг сабаби ўша даврларда рус тилининг Собиқ Республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда давлат тили эканлигидир.

Ўрганаётган тилни бошқа тил билан назарий жихатдан қиёслаш 60-йилларда бошланди. Уларда ҳам она тилимиз (ўзбек тили) рус тили билан қиёсланди. Бу соҳадаги энг катта ва салоҳиятли иш сифатида академик Отақўзи Азизовнинг “Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси” ни (Т. 1963) келтириш мумкин.

О. Азизов бу ишда рус, ўзбек тилларидаги барча сўз туркумларини ва улардаги грамматик категорияларни қиёслаб, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлайди. Аммо асарда на рус тили, на ўзбек тили бўйича бирорта янгилик келтирилмайди. Ўша пайтда тегишли яна бир катта асар И.А.Киссеннинг “Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков” (Т. 1965) китобидир. Бу ишда О. Азизов ишидан фарқли ўлароқ, икки тилнинг ўлчам сатҳи фанетикаси, грамматикаси, морфологияси ва

синтаксиси ва лексикаси қиёсланган. Аммо лексикага 7 варақ жой ажратилган.

Бу асарда ҳали фақат ўхшашлик фарқлар аниқланган.

Кейинчалик О. Азизов бир қанча тилшунослар билан бирга (Мирзаев М, Сафоев А, Бўрибеков С) рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикасини чиқаздилар. (Т. 1965.). ишда икки тилнинг морфологияси ҳам, синтаксиси ҳам қиёсланди. Бу асарда ҳам фақат тиллараро ўхшашликлар ва фарқлар аниқланган. Шу асарлардан кейин рус ва ўзбек тиллари бўйича жуда жуда кўп диссертация ва монографик асарлар пайдо бўлдики, уларни ўрганиш диссертациямиз вазифасига кирмайди.

Ўзбек тили билан инглиз тилини қиёсловчи биринчи асар – бу Х. Барноҳўжаеванинг 1958 йилда ёқлаётган “Настоящее перфектное время общего вида и настоящее перфектное время длительного вида в английском языке и их соответствующие формы в узбекском языке” номли диссертациясидир. Бу диссертацияда Х. Барноҳўжаева инглиз тили ва ўзбек тилидаги ўтган замонларни қиёслади ва тиллараро эквивалентларни аниқлайди. Бу диссертация ўша замон тилшунослари учун қизиқарли калит иш эди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Қиёсий тилшунослик қиёсий тарихий тилшунослик типология ва чоғиштирма тилшунослик деб аталмиш бўлимлардан иборат. Ўзбекистонда шу йўналишларнинг учинчиси, яъни чоғиштирма тилшунослик кенг тарқалди.

Чоғиштирма тилшуносликнинг тарихи Ўрта Осиёда ва шу жумладан юртимизда Маҳмуд Қашқарий (Девону луғат ат-турк. XI аср) ва Алишер Навоий асарларида (Мухокомат-ал-луғатайн. XV аср) бориб тақалади. Европада эса у XVIII асрда пайдо бўлди.

Республикамизда тилларни чоғиштириш ўтган асрнинг 30 йилларида пайдо бўлди. Бундай ишларда асосан рус ва ўзбек тиллар қиёсланди. Е.Д.Поливановнинг “Русская грамматика в сопоставлении с узбекском языком” (Т. 1934.) бу соҳадаги илк бор яратилган асардир. Е.Д. Поливанов шу ва бошқа асарлари билан тилларни лингводидактика мақсадларда қиёслашни тавсия қилди ва шу йўналишнинг асосчиси бўлиб қолди. Е.Д. Поливановдан кейинги энг катта ва салоҳиятли қиёслашни академик О. Азизовнинг “Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси” (Т. 1960) эди. Унда ўзбек ва рус тиллар назарий мақсадда қиёсланган ва фақат тиллараро ўхшашликлар ва фарқлар аниқланган.

Инглиз ва ўзбек тилларини қиёслаш бўйича биринчи иш Х. Барнохўжаеванинг “Настоящее перфектное время общего вида и настоящее перфектное время длительного вида в английском языке и их соответствующие формы в узбекском языке” (Т.,1958) мавзусида ёзилган диссертациясидир, бу илмий иш ўша замон учун қизиқарли тадқиқот эди.

Иккинчи боб

Профессор Ж. Бўроновнинг қиёсий тилшунослик ҳақидаги назарияси

2.1. Профессор Ж. Бўроновнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида

Профессор Жамолиддин Бўронов Ўзбекистонлик таниқли тилшунос, педогог ва юртимизга чет тилини ўқитишини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшган олим эди. У 1933 йил Андижон вилоятининг Москва туманида таваллуд топган. 1948 йил 7-синфни битириб, педлгогик училишега кириб ўқиган. Бу ўқув даргоҳини муваффақиятли битиргач Тошкент Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили факультетига кирган. У талабалик давридаёқ илмий ишга қизиқиб, талабалар илмий жамиятида фаол қатнашиб, домлалар назарига тушган. Бу жамиятда Ж. Бўронов инглиз грамматикаси бўйича қизиқарли маърузалар қилган. Институтни битиргач, биров вақт шу олий юртида ўқитувчилик қилган. Ж. Бўронов 1958-1961 йиллари Ленинград университетида аспирант бўлган ва у ерда таниқли олим германист профессор И.П.Иванова раҳбарлигида “-man” ярим суффикси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган. Аспирантурадан сўнг ўз институти Тошкент Давлат чет тиллар педогогика институтига қайти, тез орада инглиз тили грамматикаси кафедрасига мудир қилиб тайинланган. Мудирлик даврида у ўз атрофига тилшуносликка қизиқувчи ёшларни йиғиб, уларга маслаҳатлар берган. Ж. Бўронов бу кафедрада 20 йилча мудирлик қилган. Шу йиллар давомида унинг қизиқиши доираси ўзгариб, уни чоғиштира тилшунослик қизиқтира бошлаган, бу эса уни шу соҳадан докторлик диссертация мавзусини танлашга олиб келган. Ж. Бўронов кўп йиллар давомида Тошкент Давлат чет тиллар педогогика институти асосида ташкил топган ҳозирги Жаҳон тиллари университети ректори бўлиб ишлаган. Мана

шу даврда шу университет қошида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш учун махсус ҳайъат очилди. Бунинг натижасида, юртимиз учун кўпгина фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиқди. Университетнинг мавқеини ошириш, илмий кадрларнинг сифатини яхшилаш мақсадида Ж. Бўронов Москва ва Ленинград олий ўқув юртларида таниқли тилшунос ва педогогларни маърузалар қилишга таклиф қилди. Бу олимлар орасида профессор Г.В. Колшанский, профессор Ю.В. Рождественский, профессор Л.С. Бархударов, профессор А.М. Мухин каби тилшунослик дарғалари бор эди. Бу олимлар университетдаги илмий иш қилаётган ўқитувчиларга консультациялар берар, уларнинг илмий ишларига тақризлар берар, ҳаттоки ўзларига аспирант қилиб олар эди.

Масалан, Г.В. Колшанский А.С. Содиқовнинг, А. Саидовнинг раҳбари бўлган. И.С. Азнаурованинг докторлик диссертациясига маслахатчи ҳам бўлган. Л. С. Бархударов М.Т. Ирискуловнинг Н. Зуфаровнинг, А.М. Мухин Л.К. Ғайнутдиновнинг илмий раҳбари бўлган.

Профессор Ж Бўронов назарияси асосида унинг бир қанча шогиртлари номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаганлар. Қуйида биз уларнинг бизга маълум бўлганларини келтирамиз:

1. Аглаев Ю. Типологические принципы составления двуязычного учебного словаря служебных слов..АҚД. –Т.,1978.

2. Курбаназаров П. Категория каузативности и междуровневые способы ее выражения. АҚД. -Т .1995

3. Уралов Б. Типологическая категория рефлексивности в английском и узбекском языках. АҚД. –Т .1988

4. Эргашев Т. Выражение категории каузативности в разносистемных языках. АҚД.-Т.1989

5. Шадиев Х. Типологическая категория ассистивности и билингвистические вопросы ее корреспондирования в английском и узбеком языках. АҚД. -Т. 1989

6. Джамашева Г. Типологическая категория компаративности. АКД. -Т. 1989

7. Караева З. Типологическая категория футуральности в языках различных систем. АКД. - Т.1989

8. Гадоева М. Типологическая категория неопределенности и способы ее выражения в разносистемных языка. АКД. -Т.1989

9. Расулова М. Проблемы лексической категоризации в лингвистики. АДД. -Т.1998

2.2. Профессор Ж Бўроновнинг қиёсий тилшуносликни ривожлантиришга қўшган хиссаси

Ж. Бўронов 100 ортиқ илмий асарларнинг муаллифидир. Бу ишларнинг айримлари қуйидагилар:

Диссертациялар:

1. -тап как полусуффикс в английском языке. -Ленинград,1961(канд. дис.)

2. Типологические категории и сравнительное изучение языков. М. 1979 (докт. дис.)

Профессор Ж.Бўронов қиёсий тилшунослик назариясини ривожлантиришга қўшган фикрлари асосан унинг учта асарда баён қилинган.

Улар қуйидагилар:

1. “Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси” Тошкент: Ўқитувчи, 1973.

2. Типологические категории и сравнительное изучение языков. (Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация) Москва, 1979.

3. Сравнительная типология английского и тюркских языков. Москва: Высшая школа, 1983.

Биз Ж. Бўроновнинг фикрларини баён қилишда унинг шу учта асарларига асосландик.

Профессор Ж. Бўроновнинг қиёсий тилшунослик назарияси ҳақида гапиришдан аввал унинг “типология” атамаси ҳақида гапириш лозим. У тилларнинг ҳар қандай қиёслашни типология деб атайди. Натижада “типология” атамаси ҳаддан ташқари кенг тушунилади. У бу ҳақида бундай дейди: “предмет типологии становится объектом любых языковых сравнений” (Бўронов Дж, 1979, 7 бет).

Ж. Бўронов Ўзбекистонда қиёсий тилшунослик назариясини биринчи бўлиб ривожлантирган таниқли олим бўлган. Унинг типология ҳақидаги фикрлари қуйидагича:

Типология предмет ёки ҳодисаларнинг таснифланиш процесси билан боғлиқлигига кўра иккига бўлинади:

- а) лингвистик типология;
- б) нолингвистик типология.

Лингвистик типология тиллар системаларини бир-бири билан қиёслаш, тил қонунлари ва категорияларини умумлаштиришни, уларни типологик классификациялашни ўрганади. Лингвистик типологиянинг бу тури соф лингвистик типология дейилиб, экстралингвистик типологияга қарама-қарши қўйилади.

Ноллингвистик типология лингвистикадан бошқа фанларда ишлатилади. Ноллингвистик типология масштаба жуда кенг бўлиб, геология, тарих, жамиятшунослик, ботаника фанларида, санъат ва адабиётда, музика ва умуман фанда турли предмет, ҳодиса ва воқеаларнинг ўхшашликлари ва фарқига кўра классификациясини ўрганади.

Типология фани тиллар системаларининг турли иерархик бирликларини қиёсан умумлаштириб ўрганади ва мазмун планига мувофиқ формал типология, семантик типологияга бўлинади.

Формал типология асосан тилнинг морфогик ва синтактик ярусларининг формал ионларига кўпроқ аҳамият бериб, уларнинг маълум формал белгиларини турли тиллар системасида ўрганади.

Семантик типология мазмун плани бирликларини типологик тадқиқ қилади. Мазмун плани деганда тилнинг семантик структураси тушунилади.

Семантик типологияда баъзи категориялар умумий, баъзилари эса фақат айрим тилларгагина хос бўлади.

Тил ярусларининг ўзаро алоқасига кўра типологиянинг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

- а) фонологик ва фонетик типология,
- б) морфологик типология,
- в) синтактик типология,
- г) лексик типология.

Фонологик типология тилларнинг фонологик яруси бирликлари системасини ташкил этувчи белгиларни ўрганади. Фонологик типология умумий дифференциал фонологик белгиларни, фонемалар хусусиятларини, уларнинг сўз структурасидаги синтагматик алоқаларини, товушларнинг фонематик харақтерастикасини, уларни гуруҳлаш усулларини, ўзаро оппозицияларини умумлаштириб ўрганади. Фонологик хусусиятларига кўра тилларни маълум гуруҳларга бўлиш ҳам типологиянинг шу бўлимига оид (масалан: тонал ва тонал бўлмаган тиллар).

Маълум фонологик белгиларнинг умумийлигига кўра тиллар типологик группаларга бўлинади. Фонологик белгиларнинг айримлари дунёдаги барча тилларга хос бўлса, айримлари фақат баъзи тиллар системасида учрайди, холос. Масалан, тоналликнинг мавжудлигига кўра серб-хорват, швед, вьетнам тиллари бир группани, тоналликнинг йўқлигига кўра инглиз, рус, араб тиллари бошқа бир группани ташкил этади.

Фонетик типология турли тилларда фонетик ярус бирликларини: унли ва ундош товушларни талаффуз этишдаги ўхшашликни ёки фарқни конкрет физик жиҳатдан ўрганувчи бўлиmdir. Тилларни морфологик хусусиятига биноан таснифлаш ва маълум морфологик категориянинг турли тилларда ифодаланишидаги универсалликни аниқлаш билан морфологик типология шуғулланади. Морфологик типология морфологик категорияларнинг ифодаланишидаги изоморфизм ва алломорфизмни турли тиллар системасида таҳлил қилиб умумлаштиради.

Масалан, род, сон, келишik, шахс, замон, аспект каби морфологик категорияларнинг турли тилларда ифодаланиши морфологик типологиянинг объекти ҳисобланади.

Синтактик типология тилларнинг синтактик ярусини ташкил илувчи бирликларни типологик таснифлайди. Типологиянинг бу турида, сўз бирикмалари, гапнинг семантик ва формал турлари, сўз тартибининг эркин ёки турғун эканлиги, эга, кесим ва тўлдирувчиларнинг ўзаро алоқаси, итонациянинг маънога таъсири, суффикс, префикс ва бошқа қўшимчаларнинг турли сўз тартиблари билан боғлиқлиги ўрганилади. Морфологик ва синтактик типология грамматик типологияни ташкил қилади.

Лексик типология лексик⁴, бирликлар хусусиятлари, структурасига кўра ўхшашлиги ва фарқини, турли туркумга тааллуқли сўзларнинг лексик хусусиятларини ўргатади.

Сўзларнинг қанчалик кўп ва кам қўлланилишини, бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларнинг ишлатилишидаги умумийлик ҳодисаларини ҳам лексик типология ўз ичига олади.

Структурал лингвистика методлари асосида иш кўриб турли тилларнинг структурал белгиларини системага солади ва инвентарлаштиради. Структурал типология аниқ методлар асосида

тил ярусларининг дифференциал белгиларини, типологик хусусиятларини аниқлайди ва уларнинг типологик классификациясини тузади.

Асосий вазифасига кўра структурал типологиянинг қуйидаги қисмлари мавжуд:

- а) тил универсалиялари,
- б) тилларнинг типологик классификацияси.
- в) махсус типологик назария ва метод яратиш.
- г) эталон тилни аниқлаш.

Тил универсалиялари барча тиллар системаларига хос умумий лингвистик категориядир.

Тилнинг турли ярусларида лингвистик категорияларнинг ифодаланишига ва бошқа хусусиятларига кўра фонологик, морфологик, синтактик, семантик ва нутқ универсаллари бор.

Тилларнинг типологик (морфологик) классификациясини тузиш ҳам структурал типологиянинг вазифасидир. Типологик классификация тилларни грамматик қурилишга қараб турли таксономик гуруҳларга бўлиш билан шуғулланади. Типологик классификациянинг асосчилари Ф. Шлегель, В. Гумбольт, А. Шлейхер, Э. Сепир, Ф.Ф. Фортунатов ва бошқалар тилларни генетик ўхшашлигига қараб эмас, балки ташқи белгилари ва формаларига кўра бир неча гуруҳларга бўладилар.

Тиллар системаларини типологик тадқиқ қилиш усуллари ва махсус қоида ва методларини яратиш махсус типологик назариянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Типология фани ҳали ёш бўлганлиги учун ҳам тилларни типологик классификациялашда тиллар системалари ўртасидаги типологик изоморфликни аниқлашда, тил универсалиялари универсал моделлар яратишда эталон тил танлашда янгидан – янги метод ва усулларга мухтож.

Типологик назария универсалияларни баён этиш усулларини ифодалайди, типология учун махсус терминлар танлайди.

Типологиянинг асосий вазифаларидан бири турли тиллар системаларини классификациялаш учун мезон вазифасини ўтовчи маълум система яратишдир. Бундай система метатил ёки эталон дейилади.

Бирор чет тилни ўрганишда ўқувчиларнинг она тилиси эталон тил вазифасини ўташи мумкин.

Қиёсий типология умумий типологиянинг бир қисми бўлиб, тилларни қиёсий ўрганиш билан шуғулланади. У икки ва ундан ортиқ конкрет тиллар системаларини, тиллардаги маълум категорияларни дедуктив равишда алоҳида ўрганади, тиллар системаларидаги лингвистик ҳодисаларни бир-бири билан таққослаб, умумий типологик қоида ва қонунлар яратади.

Тиллар ва тиллар системаларини қиёсий ўрганувчи фан бўлган қиёсий типология характерология (characterology) ва универсал грамматика (universal grammar) фанларини ўз ичига олади.

Характерология кўпроқ бирор конкрет тилни бошқа тил билан солиштириш натижасида унинг характерли хусусиятини ўрганади.

Универсал грамматика ҳам қиёсий типологиянинг бир қисми бўлиб, тил системаларини қиёслаш билан шуғулланади.

Универсал грамматикада икки ёки ундан ортиқ тил олиниб, уларнинг бири иккинчиси ёрдамида баён этилади. Бунда маълум категория фақат грамматик ярус билан чегараланмай, лексик ярус бирликларидан ҳам фойдаланилади.

Ҳар бир фан маълум сабабларга кўра пайдо бўлади ва тараққий этади. Қиёсий типология фанининг тараққий этишига ҳам муайян омиллар сабаб бўлган. Бу омиллар қуйидагилар:

Биринчи омил типологик тақлиддир. Маълум бир тил системасини акс эттирган муайян таҳлил, метод воситасида бошқа бир тил системасини

Ўрганиш жараёнида қиёсий типологияга асос солинади. Масалан, латин тили грамматикалари грек тили грамматикалари асосида, европа ва бошқа тиллар грамматикалари латин тили грамматикалари заминида яратилган.

Иккинчи омил қиёсий-тарихий методлар. Қиёсий-тарихий метод қиёсий типология фанининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Бу метод вакиллари бир хил оилага мансуб бир қанча қардош тиллар системаларини ўрғаниб, уларнинг фонетик, морфологик ва бошқа лингвистик бирликларининг тарихий пайдо бўлишининг умумий праформа (тикланган илк формаларини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Бу омил типология фани пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Учинчи омил ўрганилмаган тилларни ўрганиш жараёнидир.

Номаълум ва ёзуви бўлмаган тиллар системалари маълум тиллар системалари ўлчов бирликлари воситасида аниқланади;

Тўртинчи омил таржима фанининг ривожланишидир. Дастлаб бошқа тиллардан ағдарилган таржималар системаси ўрганилиб, қиёсий типологияга асос солинган.

Бешинчи омил луғатлар тузиш жараёни бўлиб, икки тилли луғатларнинг тузилиши қиёсий типологиянинг тараққий этишида муҳим роль ўйнайди.

Олтинчи омил янги универсал методларнинг яратилишидир. Янги универсал методларнинг пайдо бўлиши турли қардош ва қардош бўлмаган тиллар системаларидаги ўхшашлик ва фарқни талқин этишда типологияга қўл келади.

Еттинчи омил чет эл тилларни амалий ўрганишдир. Чет тилини ўқитишда мазкур тил системасини ўқувчининг она тилиси системаси билан қиёсланади. Бунда қисман бўлса ҳам икки тилнинг айрим белгилари қиёсланади.

Ж. Бўроновнинг тарихий – қиёсий тилшуносликни типологиянинг ҳар бўлими деб ҳисоблайди ва уни генетик типология деб атаган.

Ж. Бўроновнинг қиёсий ишларида энг асосий тушунча “типологик категория” тушунчасидир.

Типологик категория типологик маъно ва типологик формаларга эга.

Типологик маъно типологик категориянинг мазмун планини ташкил этади. У морфологик, лексик ва синтактик бирликларнинг ўзаро муносабати натижасида ҳосил қилинган умумий абстракт лингвистик маънодир.

Типологик маъно турли ярусли бўлиб, уни ифода этишда тилнинг турли яруслари бевосита иштирок этади. У икки ёки бир неча тиллар системаси асосида тузилади. Типологик маъно грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади ва ўрганилаётган тиллар учун умумий маъно ҳисобланади.

Типологик форма типологик маънони ифодаловчи қиёсланаётган тилларнинг турли ярус бирликларидир. Типологик форманинг инвариантлари турлича бўлиб, улар морфологик, лексик ва синтактик бирликлар билан ифодаланади. Типологик формани ифодаловчи воситалар морфологик ярусда сигмент ва суперсигмент морфемалардан, лексик ярусда сўз ясовчи аффикслардан ва мустақил лексик бирликлардан. Синтактик ярусда эса сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади. Ж.Бўронов фикрича, типологик форманинг анъанавий грамматик формадан фарқи шундаки, грамматик форма фақат морфологик ярус билиги билан чегаралиниб қўйилган.

Типологик форма конституентлари бир –бири билан турли дистрибутив алоқада бўлади: ё бир-бирини тўлдиради, ё бир-бирини инкор қилади, ё бир-бирлари билан синонимик муносабатга киришади.

Бизнингча, Ж.Бўроновнинг таржимада тил ярусларини (сатҳларини) ҳисобга олувчи **бир ярусли [(e)s=-лар] корреспонденция** ва **яруслараро [from = -дан] корреспонденция** (мос келиш) атамалари чоғиштирама лингвистика учун аҳамиятлидир.

Ж.Бўронов ўзининг назариясини кўплик, род, ўтимлилик-ўтимсизлик, нисбат, каузативлик ва бошқа категориялар мисолида намоёни қилган.

Шуни айтиш лозимки, Ж.Бўроновнинг “типлогик категория” тушунчаси А.В.Бондарконинг “функционал семантик категорияси”, Е.В.Шендельс ва Е.И.Гулыгаларнинг “грамматик-лексик майдон” тушунчаларига ўхшаб кетади. Ж.Бўронов фикрича, унинг “типлогик категория”си улардан фарқли ўлароқ тилларни қиёслаш учун мўлжалланган.

Ж.Бўронов 2011 йил вафот этган.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ж.Бўронов чоғиштирма лингвистика назариясини ривожлантиришга кўл урган биринчи ўзбек тилшуносидир. У номзодлик диссертациясини Ленинградда, докторлик диссертациясини эса Москвада ёклаб, ўша пайтдаги икки мактаб-Ленинград ва Москва мактаблари олимларининг маърузаларидан ва билимларидан бахраманд бўлди. Олим ўз фаолиятида оддий ўқитувчилик лавозимидан ректорлик лавозимигача кўтарилди. Ўзбекистонда инглиз тили тарихидан унинг олдида тушадиган бирорта тилшунос йўқ эди. Унинг қиёсий тилшуносликка қизиқиши ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлди. Унинг бу соҳани ривожлантиришга бағишлаган энг асосий асарлари қуйидагилар эди:

1. “Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси” Тошкент: Ўқитувчи, 1973.

2. Типологические категории и сравнительное изучение языков. (Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация) Москва, 1979.

3. Сравнительная типология английского и тюркских языков. Москва: Высшая школа, 1983.

Ж.Бўроновнинг қиёсий тилшунослик соҳасидаги фикри асосан унинг “типологик категория” атамасида акс этган. Унинг шу атамаси асосида унинг ўндан ортиқ шогирдлари диссертация ёклашган. Бугунги кунда унинг қиёсий тилшунослик бўйича асарлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида дарслик сифатида ишлатилмоқда.

Учинчи боб

Профессор Ў.Қ. Юсуповнинг тилларни қиёслаш бўйича назарияси

3.1. Профессор Ў.Қ.Юсуповнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида

Юсупов Ўткир Қурбонович 15 февраль 1938 йил Тошкентда зиёлилар оиласида таваллуд топган, ўзбек. 1955 йил ўрта мактабни кумуш медаль билан тугатгач, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетига имтиҳонсиз ўқишга кирди. Талабалик даврида институт илмий жамиятида фаол қатнашган, инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма грамматикаси бўйича маърузалар қилган. Инглиз тилини яхши билганлиги учун у Тошкентда бўлиб турадиган Осиё ва Африка ёзувчилар конференцияларига доимо жалб қилинган. Ўша йиллари инглиз тили факультетини битирувчиларига икки мутахассислик бўйича (инглиз тили ва ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси) диплом берилар эди. Ў.Қ.Юсупов ўзбек тили бўйича машҳур олим А.Ғуломовдан сабоқ олган, шу сабабли унда кейинчалик инглиз ва ўзбек тилларини қиёслаш иштиёқи пайдо бўлган.

1960 йил институтни имтёзли диплом билан битиргач, у давлат топшириғига биноан Фарғона вилояти Қува шаҳридаги 9-мактабга инглиз тили ўқитувчиси лавозимида ишга юборилди. 1961 йил Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти қошидаги аспирантуранинг сиртқи бўлимига кирди, кейин эса (1962) у кундузги бўлимига ўтди. 1962-1964 йилларда - аспирантлик даврида - армияда ҳам ҳизмат қилди.

Ў.Қ.Юсупов кўп йиллар давомида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири, декан ва биринчи проректор лавозимларида ишлаган, халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси.

Ў.Қ.Юсупов 1971 йил “Инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт эргаш гапли кўшма гапларнинг қиёсий таҳлили” мавзусидаги номзодлик диссертациясини Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг Ихтисослашган кенгаш йиғилишида илмий раҳбарсиз, мустақил равишда муваффақиятли ёқлади. Бу мавзуни унга проф. А. Гуломов тавсия қилган эди. У ўзининг “Чоғиштира тилшуносликнинг муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертациясини эса Москвада СССР Фанлар Академияси Тилшунослик институтининг Ихтисослашган кенгаш йиғилишида 1994 йил ёқлади. Унинг диссертацияси мазмунини акс эттирувчи “Проблемы сопоставительной лингвистики” монографияси тез орада собиқ Москва чет тиллар педагогика инситути аспирантурасига кириш ва минимум топшириш учун тавсия қилинган адабиётлар ичидан жой олди. 1987 йилда Ў.Қ. Юсуповга инглиз тили кафедраси бўйича профессорлик илмий унвони берилди.

Ў.Қ.Юсупов В.В. Виноградов, В.Н.Ярцева, Г.В.Колшанский, Л.С.Бархударов, И.Р.Гальперин, Ю.В.Рождественский каби машхур олимларининг маърузаларидан баҳраманд бўлган.

Ў.Қ.Юсупов республикамиз учун ўн бешдан ортиқ фан доктори ва фан номзодларини етиштириб берди, элликдан ортиқ магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилди, кўпгина докторлик ва номзодлар диссертацияларини ёқлашда оппонентлик қилди, қатор китобларни чоп этилишида муҳаррирлик вазифасини бажарди. У бирнеча марта Буюкбритания ва Москвада малакасини оширди. Унинг илмий қизиқиш доираси чоғиштира тилшунослик, германистика, умумий тилшунослик, когнитив лингвистика, дингвомаданиятшунослик, таржимашунослик ва чет тил ўқитиш методикаси соҳаларидир. У яратган илмий асарлар сони юздан ортиқ бўлиб, улардаги қуйидаги фикрлар тилшунослик учун муҳим ва қимматлидир: 1) она тили ва чет тилини қиёслаш методикаси ва принципларининг ишлаб чиқилганлиги (Теоретические основы

сопоставительной лингвистики.-Ташкент: Фан, 2007; Чоғиштира тилшуносликнинг янги вазибалари. //Хорижий филология. -Самарканд.3 (40), 2011йил. 100-104 б.; Чоғиштира тилшуносликда когнитив ёндошув. //Тилларни қиёсий-типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. 2011йил, 25-26 ноябрь.-Термез 2011.); 2) грамматик категорияларнинг янги қирраларини очиб берилиши ва синтактик категориялар ҳақидаги янгича фикрлар (К теории грамматической категории. //Хорижий филология. 4-сон (29).-Самарқанд, 2008. 72-75 б.); 3) тиллараро интерференциялар, уларнинг турлари ва сабабларини янгича талқин қилиниши (Теоретические основы сопоставительной лингвистики.-Ташкент: Фан, 2007); 4) чет тилини ўргатишда диаформаларнинг ролининг катта эканлиги (Роль диаформ в процессе обучения иностранному языку.//Хорижий филология. Тил. Адабиёт. Таълим. 2 (39).2011. Самарканд, 2011. -59-61 б.); 5) маъно, тушунча, концепт ва лингвокультуреа атамалари ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликларнинг очиб берилиши (Маъно, тушунча концепт ва лингвокультуреа атамалари ҳусусида //Стилистика тилшуносликнинг замонвий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. -Т., 2011. 49-56 б.; Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим атамалар// Филология масалалари №2, 2011. 9-15 б.); 6) синтактик алоқа ва синтактик муносабатларнинг бир-биридан фарқининг очиб берилиши (Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма.-Тошкент: Академнашр, 2011.); 7) чет тилига ўқитишда лингвомаданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқот фанларининг когнитив лингвистикадан афзаллиги ва уларнинг умрибоқийлиги (Роль новых научных лингвистических парадигм в обучении иностранному языку. //Замоновий тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари.Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012. 12-16 б.); 8) янги типдаги амалий грамматикаларнинг хусусиятларини олдиндан кўрсатиб берилиши (Янги

типтаги амалий грамматикаларни яратиш ҳақида.//Тил ва тил ўқитиш методикаси прагматик ва коммуникатив лингвистика талқинида. Республика илмий –анжуман материаллари. –НамДУ 2009.275-277 б.); 9) ўзбекистонлик тилшуносларнинг чоғиштира тилшунослик назариясини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини аниқлариши (Вклад языковедов Узбекистана в развитие сравнительного языкознания //Тилшуносликнинг долзарб масалалари.(Илмий мақолалар тўплами). Ш.Т.,2007. 22-26 б.); 10) инглиз тилидаги майл ва таксис категориялари ҳақидаги янгича фикрлар (Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма -Тошкент: Академнашр, 2011; Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. Tashkent, 2013); 11) ўзбек тилида майл, нисбат, тарз (аспект), каузатив ва биргалик категориялари ҳақидаги янги фикрлар (Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. Tashkent, 2013); 12) ўзбек тилидаги сонларда доналик ва тахминийлик грамматик категориялари мавжуд эканлиги ҳақидаги фикр (Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. Tashkent, 2013); 13) инглиз ва ўзбек тиллари фонетик, лексик, грамматик системалари ва стилистик воситалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларнинг очиб берилиши ва ҳоказолар. Бу фикрларнинг кўпчилиги умумий ёки хусусий тилшунослик учун мутлақо янги фикрлардир.

Проф.У К.Юсупов чоғиштира тилшунослик назариясини янги сифат босқичига кўтарган ўзбек олимидир.Унинг бу соҳадаги фикрлари асосан унинг докторлик диссертацияси ва қуйидаги асарларида акс этган:

Проблемы сопоставительной лингвистики –Т.,1980

Теоретические проблемы сопоставительной лингвистики.–Т.,2007

Чоғиштира тилшуносликда когнитив ёндошув //Тилларни қиёсий типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. 2011йил,25-26, ноябрь.Термез-2011.

Чоғиштира тилшуносликнинг янги вазифалари.//Хорijiy filologiya. - Samarkand. 3 (40), 2011yil.

Проф.Ў.Қ.Юсупов бу ишларида чоғиштирма тилшуносликдаги йўналишлар, тилларни чоғиштиришга нисбатан турли ёндошувлар, икки тил сатҳлари бўлмиш фонологияни, лексикани ва грамматикани қиёслаш методикасини, тилларни лисон ва матнда қиёслаш, тилларни қиёслашдаги тамойиллар ва тиллараро интерференциялар ва фацилитацияларни аниқлаш йўллари ишлаб чиққан. Қуйида биз унинг фикрларини баён қиламиз.

Чоғиштирма тилшуносликдаги йўналишлар ҳозирги пайтда асосан учта:

- 1) тилларни назарий жиҳатдан қиёслаш;
- 2) лингводидактик жиҳатдан қиёслаш;
- 3) лингвофалсафий (тушинча ва концепция) жиҳатдан қиёслаш.

Тилларни назарий жиҳатдан қиёсланганда қуйидаги нарсалар аниқланади:

- 1) тиллараро фарқлар ва ўхшашликлар;
- 2) имконият даражасида шу фарқ ва ўхшашликларнинг сабабини аниқлаш;
- 3) икки тил тизимини янада чуқурроқ ўрганиш;
- 4) бир тилни ўрганиш жараёнида тилшунос назаридан тушиб қолган тил белгилаирни ўрганиш;

- 5) тиллараро муқобилларни ва лакуналарни аниқлаш;

Тиллараро ўхшашликларнинг сабаби қуйидагилар бўлиши мумкин:

- 1) оламнинг ҳамма учун умумийлиги;
- 2) нутқ аппаратларининг бир ҳиллиги;
- 3) фикрлаш қонуниятларининг ўхшашлиги;
- 4) тилларнинг генетик умумийлиги (битта бобо тилдан келиб чиққанлиги);

- 5) тиллар контакти натижасида тилда ўзлаштира унсурларнинг пайдо бўлиши;

6) мулоқот қонунларининг ўхшашлиги;

7) тасаддий ўхшашликлар.

Бу сабаблар асосида қуйидаги тўртта тиллараро ўхшашликлар пайдо бўлади:

а) универсал ўхшашликлар (масалан, эга, кесим ва ҳоказолар);

б) генетик ўхшашликлар (масалан, **two** – два, **three** – три);

в) ареал ўхшашликлар (масалан, ўзб. **агар** – тожикча **агар**)

г) тасаддий ўхшашликлар (масалан, туркман ва инглиз тилларида тишлараро товушларнинг мавжудлиги)

Тилларни лингводидактик жиҳатдан қиёслашда қуйидаги вазифалар қўйилади:

Аниқланган тиллараро ўхшашлик ва фарқларни методик жиҳатдан аҳамиятлилиги - аҳамиятсизлигини аниқлаш, яъни тиллараро интерференцияларни ва фацilitацияларни аниқлаш. Проф Ў.Қ. Юсупов бу ҳақида қуйидагиларни рус тилида айтади:

Методически релевантное сходство - это такое сходство между родным и неродным языками, из которого можно сделать методические выводы или рекомендации. Например, узбек, изучающий русский язык, не нарушит порядок слов при переводе узбекского словосочетания типа "яхши бола" на русский язык, так как это словосочетание и его русский эквивалент (хороший мальчик) сходны по порядку расположения частей. Отсюда можно сделать следующий методический вывод или рекомендацию". Порядок слов в подобных русских словосочетаниях не вызывает никакой трудности для узбеков и не должен быть предметом обучения в узбекской школе".

Методически нерелевантное сходство - это такое сходство, из которого невозможно сделать подобный методический вывод или рекомендацию. Так, при сравнении узбекского и русского языков по грамматической категории падежа обнаруживается, что в обоих языках существует грамматическая категория падежа. Однако данное сходство между узбекским и русским

языками не дает основания утверждать, что русский падеж не представляет трудности для узбеков, и не должен быть предметом обучения в узбекской аудитории.

Методически релевантные различия - это такие различия между родным и изучаемым языками, которые могут стать лингвистическими причинами межъязыковых интерференций. Методически нерелевантные различия в отличие от методически релевантных не могут стать лингвистическими причинами межъязыковых интерференций. Примеры. В отличие от английского в узбекском языке имя существительное в сочетании с числительным употребляется в форме единственного числа: битта китоб (одна книга); иккита китоб (две книги); ўнта китоб (десять книг). Данное различие между морфологическими категориями числа имени существительного в английском и узбекском языках во взаимодействии с психологическим законом переноса навыков может порождать межъязыковую интерференцию, в результате чего совершаются ошибки типа two book, three book, ten book в английской речи узбеков.

Методик жихатдан аҳамиятсиз бўлган фарққа ўзбек тилидаги ҳурмат маъносини ифодаловчи "-лар" кўшимчаси ва бундай маъно ифодаламайдиган инглиз тилидаги "-(е)s" кўшимчалари мисол бўла олади:

Дадам**лар** келди**лар**.- Father has come.

Юрак**лар**имни эзиб юбординг.- You've broken my heart.

Бу фарқ ўзбек талабаларининг инглизча нутқида ҳеч қандай тиллараро интерференциялар келтириб чиқармайди. Чоғиштира тилшунослик тиллараро интерференцияларни ва тиллараро фацилитацияларни аниқлаган такдирдагина у чет тил ўқитиш методикасининг асоси бўла олади (Юсупов Ў.Қ.2007, 26).

Айтиш лозимки, чоғиштира тилшуносликнинг пайдо бўлиши унинг тил ўқитишга хизмат қилиши билан боғлиқ.

Тилларни лингвофалсафий жихатдан қиёслашнинг мақсади – қиёсланаётган тиллар дунёни ўз семантикасида, тушунчаларда, концептларда акс эттиришидаги (категориялаштиришдаги, концептлаштиришдаги) ўхшашлик ва фарқларни аниқлайди, қиёсланаётган тилларда оламнинг акс этишини, яъни оламнинг лисоний манзарасини қиёсий ўрганади.

Маълумки, тилларни қиёслашда андаза тилни танлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ў.Қ. Юсупов фикрига кўра, қиёсланаётган тиллар ва уларнинг бирликларининг характерига кўра, андаза тил чет тили, она тили ёки сунъий тил бўлиши мумкин. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларидаги отнинг сон грамматик категориясини қиёсласак, инглиз тили ҳам, ўзбек тили ҳам андаза тил ролини ўйнаши мумкин, чунки бу грамматик категориялар иккала тилда икки оппозициядан - бирлик ва кўплик - ташкил топган. Уларнинг номлари бир-бирларини қоплайди. Агар бир тилдаги грамматик ҳодисалар иккинчи тилдагидан кўп бўлса ва уларни тўла қопласа, ўша тил андаза ролини ўтайди. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларидаги отлардаги келишикларни қиёслаганда шундай ҳолат рўй беради. Бунда ўзбек тили андаза ролини ўйнайди, чунки ўзбек тилидаги келишиклар (улар олтига) инглиз тилидаги келишикларни (улар иккита) тўла қоплайди, инглиз тилидаги келишиклар эса ўзбек тилидаги келишикларни қопло олмайди.. Сунъий андаза тил иккала тилдаги грамматик ҳодисалар бир-бирларини қисман қоплаганда олинади. Бу ҳолатни рус ва ўзбек тилларидаги келишикларни қиёслаганда кўришимиз мумкин. Рус ва ўзбек тилларидаги келишиклар бир-бирларини қисман қоплайди, чунки рус тилида, чиқиш ва ўрин-пайт келишиклари, ўзбек тилида творительный ва предложный келишиклари йўқ. Мос келадиган келишиклар қуйидагилар:

Бош келишик

Қаратқич келишиги

Тушум келишиги

Жўналиш келишиги

Сунъий андаза тил иккала тилдаги келишикларни қўшиб юбориш йўли билан ҳосил қилинади. Демак, рус ва ўзбек тиллардаги келишик категориясини қиёслаш учун таркибида саккиста келишик бўлган сунъий келишик категория ҳосил қилинади:

бош к. қарат.к. тушум к. жўнал.к чиқиш к. ўрин-пайт к. твор.п
предл. п.

Ўзб	+	+	+	+	+	+	-
-							
Рус	+	+	+	+	-	-	+
+							

Ў.Қ.Юсупов тил мураккаб, кўп қиррали, кўп сатҳли ҳодиса бўлганлигидан келиб чиқиб, тилларни қиёслашга нисбатан қуйидаги ёндошувлар бўлиши мумкинлигини айтади:

Кичик системаларни қиёслаш

Маълумки, тилда учта катта система - фонологик, лексик ва грамматик системалар мавжуд. Бу катта системалар ўз ичида кичикроқ бўлган системаларга эга (унлилар, ундошлар, семантик майдонлар, синонимик қаторлар, отлар, феъллар, сифатлар, сон, замон, майл, ва бошқа категориялар, содда, қўшма гаплар, уларнинг ичидаги турлари ва ҳоказолар). Икки тилдаги бир хил номли мана шундай кичик системаларни қиёслашни Ў.Қ.Юсупов малосистемный подход деб атайдиган. Бунда аввало системани ҳосил қилувчи элементлар аниқланади ва улар сон жиҳатдан, формалари, маънолари ва ишлатилиши бўйича қиёсланади, тиллар аро эквивалентлар аниқланади. Кичик системаларни қиёслаш бир сатхлик характериға эга, аммо унинг бу камчилигини аниқланган тиллар аро эквивалентлар йўқотади. Бундай ёндошувга қуйидаги ишларни мисол қилиб келтириш мумкин: “Сравнительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология”

(А.А.Азизов Т.,1983); “Сравнительная типология английского и русского языков.” (В.Д.Аракин.Ленинград, 1974); “Сравнительная типология французского и русского языков.” (В.Г.Гак Москва, 1983); “Грамматическая структура английского, узбекского и русского языков” (Дж.Буранов, У.К. Юсупов, М.Т.Ирискулов, А.С. Садилов Ташкент, 1986) ва бошқ.

Таржимовий ёндашув

Бундай ёндашувда биринчи тилдан бирор кичик система олиниб уларнинг элементлари аниқланади ва тасвирланади, сўнгра уларнинг иккинчи тилдаги муқобиллари аниқланади.Бундай ишлар асимметрик характерга эга бўлади, яъни эквалентлар қидириш биринчи тилдан иккинчи тилга қараб амалга оширилади.

Бунга қуйидаги ишлар мисол бўла олади: "Способы передачи видовых значений русских приставочных глаголов совершенного вида средствами французского языка в речи" (Т.В.Вьюгова, АКД. -М.,1972), “Turkish-English Contrastive Analysis” (Hikmet Sebuktekin, The Hague-Paris, 1971) ва бошқ.

Ў.Қ.Юсупов таржимовий ёндашувни симметрик бўлишини (она тили >чет тил, чет тил < она тили бўлишини тавсия қилади.

Лингвофалсафий ёндашув

Юқорида айтилганидек, тилларни лингвофалсафий қиёслашнинг мақсади – қиёсланаётган тиллар дунёни ўз семантикасида, тушунчаларда, концептларда акс эттиришидаги (категориялаштиришдаги, концептлаштиришдаги) ўхшашлик ва фарқларни аниқлайди, қиёсланаётган тилларда оламнинг акс этишини, яъни оламнинг лисоний манзарасини қиёсий ўрганади.

Икки халқнинг тушунча ва концеплари қиёсланганида улар ўртасида уч хил муносабат бўлиши мумкин:

1. Иккала тилда тушунча ва концептлар бир хил бўлади, Масалан, “электр” тушунчаси ва концепти инглиз ва ўзбекхалқларида бир хил.

2. Маълум тушинчалар ва концеплар қиёснаётган тил сохибларининг бирида мавжуд бўлади, иккинчисида мавжуд бўлмайди. Масалан, примитив тилларда “компьютер” тушинчаси ҳам, концепти ҳам йўқ.

3. Иккала тил сохибларида ўша тушунча ҳам, концепт ҳам бўлади, аммо улар ўртасида фарқлар бўлади, Масалан, **олча** ва **гилос** ўзбеклар учун икки хил мева, инглизлар учун эса улар бир хил мева,- **cherry**.

Чоғиштрма тилшуносликдаги бу ёндашувнинг асосчилари О.Есперсен, И.И.Мещанинов Ф.Брюнодирлар.

Майдоний ёндашув

Бундай ёндашувда икки тилдаги бирхил номли лисоний майдонлар – семантик, сўз ясовчи ва синтактик майдонлар) қиёсланади. Бунда аввало ўша майдондаги элементлар аниқланади, сўнгра аниқланган элементлар сони, формалари, маънолари, ишлатилиши, бошқа элементга муносабати (синонимик, антонимик, гиперонимик муносибатлар), уларнинг грамматик белгилари қиёсланади, тиллар аро муқобиллар аниқланади.

Бугунги кунда тилшуносликда майдон назарияси бўйича бирқанча фикрлар мавжуд (семантик функционал майдон, грамматик лексик майдон, типологик категория, синтактик майдон ва бошқа назариялар). Улардан бирини танлаш тадқиқотчи ва унинг раҳбарига боғлиқ.

Денотатив ёндошув

Бу ёндошувда объектив борликдан бирор нарса ёки воқеа танлаб олиниб, уни икки қиёсланаётган тилда ифодаланиши чоғиштирилади, Масалан, бирор жой ёки нарса эндиgina бўйалган бўлса, рус тилида “Осторожно окрашено!” деб, инглиз тилида эса “Fresh paint!” (свежая краска) деб ёзиб қўйилади. Яна мисоллар. Ўзбек тилида “Уйқум келяпти”- дейилса, инглиз тилида “I want to sleep” дейишади. Ўзбеклар таъзия билдирганда “Бандалик-де!” –дейди, руслар эса “Примите мое соболезование!” – дейди.

Ў.Қ. Юсупов чоғиштира тилшуносликдаги тиллараро эквивалентлар ҳақида гапириб, бундай дейди: “Чоғиштира тилшунослик учун бир сатҳли, ҳар хил сатҳли, тўлиқ, қисман ва тахминий эквивалентлар муҳимдир”. (Ўша асар, 51 бет).Бундай ёндошувда эквивалентларнинг йўқлиги ҳам (лакуналар) тилшунос учун қимматли ахборот ҳисобланади. Лакуналар одатда маданиятлараро фарқларни кўрсатади.

Ў.Қ. Юсупов тилдаги уччала сатҳни, яъни фонологик (фонетик), лексик ва грамматик сатҳларни ва уларнинг бирликларини қиёслаш методикасини ишлаб чиққан.Қуйида биз шу ҳақида гапирамиз.

Фонологик сатҳларни қиёслаш методикаси

Маълумки, фонологиянинг ўрганиш объектлари фонемалар (нутқ товушлари), бўғин, урғу ва интонациядир. Қиёсий фонологияда мана шу бирликлар қиёсга тортилади.

Фонемаларни қиёслаш

Фонологик сатҳларни қиёслашда қуйидаги нарсаларни аниқлаш керак бўлади:

- 1) фонемалар сони бўйича фарқни;
- 2) Унли ва ундошлар сони бўйича фарқни
- 3) Лакуналар сони бўйича фарқлар;

Фонемаларнинг акустик ва артикуляцион белгилари бўйича фарқлар ва ўхшашликлар аниқланади. Бунда Р. Якобсон, Г.М.Фант, Г.М.Халлелар (1962, 1973), таклиф қилган 12та акустик оппозициялардан фойдаланиш мумкин. Артикуляцион белгиларга тилнинг кўтарилиш даражаси, унлининг тилда қатор горизантал жойлашиши, лабларнинг ва бурун бўшлиғининг иштироки, фарангализацияланиши киради

Унлиларни синтагматикада қиёслаш уларнинг миқдорий ва сифат ўзгаришлари бўйича ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш имкониятини беради. Бунда унлиларнинг варианлиги, дистрибуцияси, ассимиляцияси, диссимиляцияси, юмшаши, нейтраллашиши, палатализациялашиши, сингармонлашиши, стилистик ва статистик хусусиятлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар аниқланади. В.Г.Гакнинг (1983,13) фикрига кўра, унлиларнинг нутқдаги бирикиши уч хил бўлиши мумкин: сўз бошқа сўз билан бирикканда, морфема бошқа морфема билан бирикканда ва ўзак ичида унлилар бирикканда.

Ундош фонемаларни қиёслаш қуйидагиларни бажаришни тақозо қилади:

- 1) Ундошлар сонини қиёслаш;
- 2) Икки тилдаги бир-бирига мос келувчи ва мос кемайдиган ундошларни (лакуналарни) аниқлаш;
- 3) Портловчи, сирғалувчи, сонор товишларни алоҳида қиёслаш;
- 4) Ундош товушларни уларнинг акустик ва артикуляцион белгилари

(талаффуз жойи) бўйича чоғиштириш.

Ундошларни синтагматикада қиёслаш уларнинг миқдорий ва сифат ўзгаришлари бўйича ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш иимкониятини беради. Бунда ундошларнинг варианлари, дистрибуцияси, ассимиляцияси, диссимиляцияси, юмшаши, жой алмашиши, тушиб қолиши, жуфтлашиши, нейтраллашиши, палатализациялашиши, стилистик ва статистик хусусиятлари dfjiskfh ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар аниқланади. Бўғиндаги ундошлар сони ҳам қиёсланади.

Оғзаки ва ёзма нутқдаги товуш ва ҳарф муносибатлари ҳам қиёланади. Масалан, ўзбек тилида ёзма нутқда, инглиз тилидан фарқли ўлароқ, кўпинча бир фонемага бир ҳарф мос келади: **кеча – night**. Ўзбек тилидаги мисолда тўртта фонемага тўртта ҳарф мос келяпти, инглиз тили мисолида эса учта фонемага бешта ҳарф тўғри келяпти.

Урғуни қиёслаш

Урғуни қиёслаш урғунинг таранглиги, узунлиги, даражаси, жойлашиши, кўчиши, тоннинг ўзгариши ва вазифаси бўйича ўхшашлик ва фарқларни аниқлашни талаб қилади. (Қаранг: В.Д.Аракин 1979, 83-84; В.Г.Гак 1983, 66-67).

Масалан, ўзбек тилида сўз негизига бирор морфема қўшилса, урғу ўша морфемага кўчади: **мактаб – мактабга; китоб – китоблар; Карим – Каримнинг**.

Урғу айниқса рус тилида кўпинча маънони фарқловчи вазифани бажаради: **Там нет воды; Минеральные воды**.

Инглиз тилида кўп бўғинли сўзларда урғу бирламчи ва иккиламчи бўлади: Масалан “celebration” сўзида иккиламчи урғу се га, бирламчи урғу эса bra га тушади. Ўзбек тилида урғуда таранглилик кучсиз, шунинг учун бу

тилда урғули бўғинни урғусиз бўғиндан ажратиш мушкул. Тилшунос бўғин, сўз, фраза ва логик урғуларнинг фарқи бормоқ керак.

Бўғинни қиёслаш

Бўғинни қиёслаш учун барча бўғинларни қолипларини аниқлаш керак, кейин эса шу қолипларни бор-йўқлиги, сони, ишлатилиши бўйича ўхшашлик ва фарқларни аниқланади. Қолиплар C (ундош фонема), V(унли фонема) белгилари ёрдамида тузилади.

Ў.Қ.Юсупов турли тиллардаги бўғинларни қиёсаш учун қуйидаги жадвални (матрицани) тавсия қилади:

Бўғин турлари	V	VC	VCC	VCCC	CCCC	и т.д.		
Тиллар								
тил 1	+	+	+	-	+			
тил2	-	+	+	+	-			

«Плюс» ўша бўғинни барлигини, «минус»йўқлигини англатади Ў.Қ.Юсупов тилларда бўғинлар ўртасидаги фарқни иллюстрация қилиш мақсадида М.Джусуповнинг асаридан (1991,140) қуйидаги мисолни келтиради.

Рус тилидаги бўғинтурлари 20та: 1.Г; 2.СГ; 3.ССГ; 4.СССГ; 5.ССССГ; 6.СССССГ; 7.ГС; 8.ГСС; 8.ГССС; 9.ГССС; 10.СГС; 11.ССГС; 12.ССГСС; 13.СССГС; 14.СГСС; 15.СГССС; 16.СГСССС; 17.СССГСС; 18.ССГСССС; 19.ССССГС; 20.ССССГСС. Ҳақиқий қозоқ сўзларида эса улар – 6 та: 1.Г; 2. СГ; 3. ГС; 4.ГСС; 5.СГС; 6. СГСС.

Бўғин турларидаги ундош фонемалар сони ва уларнинг кетма-кетлиги ҳам ҳар хил бўлади. Бўғинларнинг очиқ ва ёпиқ бўлиши ва уларнинг сони ҳам фарқланиши мумкин.

Бўғинларнинг ишлатилиш статистикаси фоизларда берилиши керак.

Сўзнинг узунлигини ҳам бўғинлар сони билан ўлчаш мумкин.

Бўғин кўчиришни ҳам қиёслаш керак Агглютинатив тилларда бўғин кўпинча морфемага тўғри келади, шунинг учун бу тилларда, шу жумладан ўзбек тилида, бўғин кўчиришда муаммолар деярли йўқ.

Интонацияни қиёслаш

Интонацияни қиёслаш гапларнинг ва синтагмаларнинг интонацион колипларини қиёслаш йўли билан амалга оширилади.

Нутқни анализ ва синтез қилувчи аппаратураларни Ўзбекистонда йўқлиги интонацияни қиёслашни қийинлаштиради. Шунини айтиш лозимки, барча дунё тилларида дарак гапларнинг ва махсус сўроқ гапларнинг охирида интонация тушади, умумий сўроқ гапларда кўтарилади, буйруқ гапларда у кўтарилмайди ҳам, тушмайди ҳам - бир тексда бўлади. Ажратув ва альтернатив сўроқ гапларда, ундов (эмоционал) гапларда ҳам интонация ўхшаш бўлади.

Интонация айрим этикет гапларда фарқ қилиши мумкин. Масалан инглиз тилида саломлашув ва хайрлашув ифодаловчи гапларда интонация кўтарилади, ўзбек тилида эса тушади:

Good morning! Good bye!

Салом! Хайр!

Интонация барча тилларда жуда кўп ахборот ифода қилади. Ундан сўзловчининг ҳолати, социал статуси, кайфияти ва бошқа белгиларини аниқлаб олиш мумкин.

ЛЕКСИК СИСТЕМАЛАРНИ ҚИЁСЛАШ

Икки тилнинг луғат составини қиёслаш

Лексикани назарий жиҳатдан қиёслаш – бир номли парадигматик гуруҳларни, яъни семантик майдонларни, лексик-грамматик, тематик, синонимик, антонимик, гипер-гипонимик гуруҳларни қиёслаш йўли билан амалга оширилади, Аввал шу гуруҳга кирувчи элеменлар ва уланинг сони ва лақуналар аниқланади, кейин бир номли элементлар ўзларининг формалари, маънолари ва ишлатилиши бўйича қиёсланади. Эквивалент сўзлар формалари, семантик структуралари,, ҳар бир маънодаги семалари, валентлиги, ишлатилиши, частатаси, бошқа сўзлар билан синонимик,антонимик,гипер-гипонимик муносибатлари,лексик-грамматик белгилари, маъноларининг бирламчи-иккиламчи эканлиги, эквивалентликнинг қайси турига кириши бўйича чоғиштирилади. Масалан, **расе** инглиз сўзи ўнта маънони (раса,**род, племя, народ, происхождение, порода, сорт, аромат, расовый, национальный**), унинг ўзбекча шериги **ирк** эса атиги битта маънони (раса) ифодалайди.

Сўз маъноларидаги семалар бўйича фарқни русча **мыть, стиреть** ва ўзбекча **ювмоқ** фелларида кўриш мумкин. **Ювмоқ** феълига рус тилида **мыть, стиреть**феъллари тўғри келади:

Мен кўлимни **юваётган** эдим. - Я **мыл** руки

Мен кўйлагимни **юваётган** эдим. - Я **стирал** рубашку.

Ўзусларнинг (ишлатилиши) тўғри келмаслигига рус ва ўзбек тилларидаги **ты** ва **сен** олмошларининг ишлатилишида кўриш мумкин. Рус оиласида болалар ота ва онага **ты** (сен) деб, ўзбек оиласида **сиз** деб мурожат қиладилар:

Рус.: Папа, **ты** пойдешь с нами?

Ўзб.: Дада, **сиз** биз билан борасизми?

Гипро-гипонимик муносабатларнинг тўғри келмаслигига мисол.
Кулупнай рус тилида **ягода**, ўзбек тилида эса **мева** ҳисобланади:

Рус.: клубника – ягода

Ўзб.: кулупнай - мева (букв. фрукт)

Антонимик муносибатларни тўғри келмаслигига мисол:

оқ нон – **қора** нон

white bread – **brown** bread

Валентликнинг тўғри келмаслигига мисол:

кучли шамол - **strong** wind (тўғри келяпти)

кучли ёмғир - **heavy** rain (тўғри келмаяпти)

Бир тилдаги сўзга бошқа тилда сўз (Москва–Moscow), сўз бирикмаси (–circulation of the blood), фразеологик бирикма (тупик – blind alley) тўғри келиши мумкин. Бир сўзга биречта сўз ҳам мос келиши мумкин (измена – treason, treachery, betrayal).

Бир тилдаги нарсани иккинчи тилда йўқ бўлса, “лакуна” (эквивалентсиз лексика) ҳосил бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги **махалла**, **мошхўрда** сўзлари эквивалентсиз сўзлар (**лакуналар**) ҳисобланади. Эквивалентсиз сўзлар гуруҳи **эквивалентсиз лексика** деб аталади.

Сўз яшаш системаларини қиёслаш

Сўз яшаш системаларини қиёслаш сўз яшаш усулларини (суффиксация, префиксация, суффиксация-префиксация, негизни негизга қўшиш, конверсия, аббревиация ва хоказолар) сўз яшаш категорияларини ва майдонларини қиёслаш асосида амалга оширилади. Бу воситалар асосида тузилган сўзлар фоизларда акс эттирилади.

Ў.Қ.Юсупов ишида сўз яшаш уяларини қиёслашни ҳам кўрсатиб берган.

Фразеологик бирикмаларни қиёслаш

Тиллар лингводидактик мақсадларда қисланганида чет тил ўқитиш дастурига кирган фразеологик бирикмаларгина она тилидаги фразеологик бирикмалар билан қиёсланади. Аввало лақуналар аниқланади, кейин икки тилдаги тўлиқ, қисман ва тахминий синоним бўлган фразеологик бирикмалар қуйидаги белгилар асосида қиёсланади:

- 1) маъноси, образлилик(метафориялилик);
- 2) қайта маъно ҳосил қилиш даражаси;
- 3) қисимларнинг сони;
- 4) қисмларнинг тартиби;
- 5) қисмлар ўртасидаги синтактиқ алоқалар;
- 6) қисмларнинг морфологик шаклланиши;
- 7) қисмларнинг қайси сўз туркумига, уларнинг ичидаги турчаларга оид эканлиги;
- 8) қисмларининг бирор тематик гуруҳга тааллуқлиги;
- 9) валентности;
- 10) вариантлилиги;
- 11) частотаси;
- 13) бошқа фразеологик бирикмалар билан синонимик ва антонимик муносибати.

Фразеологик бирикмаларни назарий жихатдан қиёсланганда икки тилдаги барча фразеологик бирикмалар ва уларни барча турлари (феъл, субстантив, адъектив, адвербиал ва бошқа турлари шунингдек, улар ичидаги майдароқ турларни), тематик гуруҳларни қиёсга тортилади.

Фразеологик бирикмалар бевосита маданият билан боғлиқ, шунинг учун икки тилдаги фразеологик бирикмалар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар икки халқ маданиятлари ўртасидаги фарқларни ва ўхшашликларни кўрсатади.

Грамматик системаларни қиёслаш

Сўз туркумларини қиёслаш

Сўз туркумларини глобал қиёслашда икки тилдаги сўз туркумларининг сони, уларнинг бири икинчисидан конверсия йўли билан ҳосил бўлиши, уларнинг статистикаси (иккала тилда нечта от, сифат, равиш ва бошқа сўзлар борлиги) қиёсий ўрганилади.

Бир сўз туркумидан икинчи сўз туркумини конверсия йўли билан олишни қуйидаги жадвал (матрица) ёрдамида акс эттириш мумкин:

тиллар	A → Б	A → В	A → Г	Б → А	Б → В	Б → Г	В → А	В → Б	В → Г	Г → А	Г → Б	Г → В
тил 1	+	+	-	+	+	-	+	-	+	-	-	+
Тил2	+	+	+	+	-	+	+	+	-	-	+	+

Юқорида Ў Қ. Юсуповнинг сўз туркумларини глобал қиёслаш ҳақидаги фикри келтирилди. Энди унинг ҳар бир сўз туркумини алоҳида-алоҳида қиёслаш ҳақидаги фикри баён қилинади. Ҳар бир сўз туркуми функционал маънолари, ичидаги лексик-грамматик гуруҳлари, морфологик категориялари, синтактик вазифалари, валентлиги ва сўз ясовчи морфемалари бўйича қиёсланади. Лексик-грамматик гуруҳ – бу бир сўз туркуми ичидаги умумий маънога - семага - эга бўлган сўзлардир. Бу сема ўша сўзларнинг валентлигини, синтактик қурилмада қайси ўринда кела олиши ва уларнинг у ёки бу парадигматик қаторга кириш қобилиятини белгилаб беради.

Қиёсланаётган сўз туркумларининг лексик-грамматик гуруҳлари мос келмаслиги мумкин. Масалан, инглиз ва ўзбек тиллари отларидаги лексик-грамматик гуруҳлар сони бир хил эмас. Ўзбек тилидаги отлар инглиз тилидаги отлардан фарқли ўлароқ Pluralia Tantum отлари ва ички жиҳатдан чегараланган бутунликни ифодаловчи жамловчи отларга эга эмас. Бу фарқ ўзбек талабаларининг инглизча нутқида тиллараро интерференция туғдириши мумкин:

Where *is my trousers?

The spectacles *is on the table.

Police *is coming.

The cattle *is greazing

Тиллардаги бир номли лексик-грамматик гуруҳлар ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Улар грамматик парадигмалари, валентликлари ва бошқа белгилари билан фарқ қилишлари мумкин. Масалан, инглиз тилидаги жонсиз нарсаларни ифодаловчи отлар келишик категориясига эга эмас. Ўзбек тилида эса улар келишик категориясига эга. Қиёсланг:

Nick`s book - Никнинг китоби

A piece **of** stown (of – предлог) - тошнинг бўлаги

Сўз туркумларини лексик-грамматик гуруҳларга бўлиш на фақат лексик-семантик система учун, балки грамматик система учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Чунки сўзлардаги валентлик, синтактик қурилмаларда маълум синтактик ўринларни тўлдириш, турли парадигматик қаторларга кириш қобилияти ўша сўзларнинг қайси лексик-грамматик гуруҳга тааллуқлигига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, мавҳумлик, конкретлилик, жонлилилик, жонсизлилик, саналадиган, саналмайдиган, ўтимлилик, ўтимсизлик ва ҳақозо категориал белгиларга боғлиқ. Категориал белгилар лексика билан грамматикани боғловчи звенодир. Шу сабабдан Н.Хомскийнинг (1972,77) уларни “синтактик белгилар” деб аташи бежиз эмас.

Грамматик категорияларни қиёслаш

Сўз туркумларидаги лексик-грамматик гуруҳларни қиёслаб бўлгач, улардаги грамматик категорияларнинг номенклатураси ва ҳар бир номи бир ҳил бўлган грамматик категориялар қиёсга тортилади.

Грамматик категорияларни қиёслаш уларнинг категориал маъноларини қиёслашдан бошланади. Одатда категориал маънолар бир ҳил бўлади. Масалан, иккала тилдаги замон грамматик категорияларининг умумий маъноси (категориал маъноси) замон маъносидир. Грамматик категориянинг аъзоларидан бири категориал маънога эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда улар приватив оппозицияни ҳосил қилади. Приватив оппозицияга инглиз ва ўзбек тилларидаги аспект грамматик категорияси мисол бўла олади. Бу грамматик категориянинг биринчи ҳади **Non-Continuous form** - давомийлик ифодаламайдиган форма деб, иккинчиси **Continuous form** - давомийлик ифодаловчи форма деб аталади:

Non-Continuous form

Continuous form

I **speak** English.

-

I **am speaking** English.

Мен инглизча **гапираман**.

-

Мен инглизча **гапирияпман**.

Грамматик категория ҳадларининг ҳар бири ўз маъносига эга бўлса, бундай оппозиция эквивалент оппозиция саналади. Масалан, отдаги сон категорияси эквивалент оппозиция ҳисобланади (book-books / китоб-китоблар), чунки бу грамматик категориянинг иккала ҳади ўз маъноларига эга; биринчи ҳад (book, китоб) бирликни, иккинчи ҳад (books, китоблар) кўпликни ифодалайди.

Бундан сўнг грамматик категория ҳадлари қуйидаги белгилар асосида қиёсланади:

- 1) грамматик категория ҳадларининг семантик структуралари,
- 2) грамматик категория ҳадларининг ҳар бир маъноси,
- 3) грамматик категория ҳадларининг формалари,
- 4) грамматик категория ҳадларининг ишлатилиши,
- 5) сўзларнинг грамматик категория томонидан қамраб олинish даражаси,
- 6) грамматик категория формаларининг бир қолипчилиги ёки кўп қолипчилиги, масалан, инглиз тили отларидаги сон категориясининг иккинчи ҳади (кўплик формаси) бирқанча қолип асосида ясалади(**N+(e)s,N-en** ва ҳоказо), ўзбек тилида эса у битта қолип асосида ясалади. (**N+лар**),
- 7) ҳадларнинг ишлатилиши,
- 8) бошқа тил бирликлари билан синонимик муносибатга киришиши.

Масалан, жўналиш келишиги **–га** бир маъносида **учун** кўмакчиси билан синонимдир: укам**га** = укам **учун**,

Агар тиллар лингводидактик мақсадда қиёсланаётган бўлса, унда тиллараро интерференцияларни ва фацилитацияларни ҳам аниқлашга тўғри келади.

Қиёсланаётган грамматик категория ҳадларининг номенклатураси ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги келишик категориясидаги ҳадлар сони иккита, ўзбек тилидаги келишик категориясида эса энг камида олтита.

Ҳадларнинг мос келишига инглиз ва ўзбек тилларидаги отлардаги сон категориялари мисол бўлиши мумкин. Ҳар иккала тилда ҳадлар сони иккита (бирлик ва кўплик формалари)ккала тилдаги отлардаги сон категориялари мисол бўлади.

Грамматик категория ҳадларининг семантик структураси (маънолар сони) кўпинча мос келмайди. Бунга мисол сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги отлардаги сон категориясини кўрсатиш мумкин:

Инглиз ва ўзбек тилларидаги отларнинг кўплик формаларининг маънолари ўртасидаги ўхашлик ва фарқлар:

	ингл.	ўзб.
1. Нарса ёки воқеаларнинг кўплиги		
(books — китоблар)	+	+
2. Турларнинг кўплиги		
(soils — тупроклар)	+	+
3. Ҳурмат (Дадамлар келди)	-	+
4. Ўхшаш шахсларнинг кўплиги		
(Қурилишга минглаб Фарҳодлар келди)	-	+
5. Оила аъзолари		
(The Browns – Браунлар)	+	+
6. Мўллик		
(the waters of the Volga- Волганинг сувлари)	+	+
7. Қисмларнинг кўплиги (trousers)	+	-
8. Нарсалар қоришиғи (slops)	+	-
9. Бирга ишловчи бир гуруҳ кишилар ёки дўстлар		
(Аҳмадлар келишди)	-	+
10. Бирор аниқ йилни ўз ичига оловчи вақт (in the thirties, ўттизинчи йилларда)	+	+
11. Қамраб олиш		
(У Москваларда бўлди.)	-	+
12. Тахмин (Пулимни ерларда йўқотдим)	-	+
13. Биргалик (Ҳалима, Адиба		

ва Гулчехралар келишди) - +

14. Кучайтириш (Баданларим

музлаб кетдн - +

Грамматик категория ҳадларининг семантик структураси ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни грамматик категория ҳадларининг маъноси ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни адаштирмаслик керак. Биринчи ҳолатда категория ҳадлардаги маънолар сони, иккинчи ҳолатда эса ўхшаш маънолар семалар орқали қиёсланади.

Номлари бир бўлган грамматик категория ҳадларининг маънолари ўхшаши ва фарқ қилиши мумкин. Масалан, инглиз ва рус тилларидаги сифат даражаларининг маънолари бир хил (cold-холодный / colder–холоднее / coldest-самый холодный)

Например:

Bob is **young**. – Боб **молодой**.

Bob is **younger** than you. - Боб **моложе** вас.

Bob is **the youngest**. - Боб **самый молодой**.

Инглиз ва ўзбек тилларида эса улар ...даражада мос келади, аммо оддий ва чоғиштира даражаларда мос келмайди. Қиёсланг:

Bob is **young**. – Боб **ёш**.

Bob is **younger** than you. - Боб сиздан **ёш**.

Bob is **a (little) bit younger** than you. - Боб сиздан **ёшроқ**.

Bob is **the youngest** boy. - Боб **энг ёш** бола.

Таржимадан кўриниб турибдики, ўзбек тилиаги қиёсий даража формаси инглиз формасидан фарқли ўлароқ **бир оз** семасига эга. Шу сабабдан ўзбек тилидаги қиёсий даража формаси олдидан **анча** сўзини қўллаб бўлмайди:

Боб сиздан **анча ёшроқ** .(нотўғри)

Грамматик маъноларнинг ифода планларини қиёслаш қуйидагиларни қиёсга тортишни талаб қилади:

- 1) грамматик маъноларни ифодаловчи воситалар,
- 2) ифодаловчи воситаларнинг субстантив томони (товуш томони),
- 3) воситаларнинг хилма-хиллиги (вариативность),
- 4) воситалар таркиби,
- 5) воситалар таркибидаги морфемалар тартиби (агар восита аналитик форма бўлса),
- 6) воситалар таркиби.

Тиллар маъноларни ифодаловчи воситаларни турлича танлайди, Мисол сифатида инглиз ва ўзбек тиллардан замон ва сон маъноларни ифодаловчи грамматик воситаларга мисол келдирамиз:

Англ. to go - went (супплатив усул)

Ўзб. бормоқ - бордим, бординг, борди, бордик, бордингиз, боришди (аффиксал услуб)

Англ. man - men (аблаут); dog – dogs (аффиксал усул)

Ўзб. одам - одамлар (аффиксал усул).

Категориал формаларнинг негизга нисбатан жойлашиши тилларда ўхшаш ёки бошқача бўлиши мумкин:

англ	ўзб.
1. book+s	китоб+ лар (ўхшаш)
2. father+s - in-law	қайната+ лар (бошқача)
editor+s -in chief	муҳаррир+ лар (бошқача)

Аналитик формаларнинг компонентлари тилларда бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, инглиз ва немис тилларида перфект формалари ўхшаш. Фарққа инглиз ва рус тилларидаги келаси замонни ифодаловчи аналитик формалар мисол бўлиши мумкин. Рус тилидаги аналитик форма таркибидаги ёрдамчи феъл инглиз тилидагидан фарқли ўлароқ барча шахс ва

сонларда ўзгаради (shall /will read - буду / будешь / будет/ будем/ будите / будут читать).

Қиёсланаётган тиллардаги аналитик формалар компонентларининг тартиби ҳам ҳар хил бўлиши мумкин:

Узб. ёзаётган **эди**, ишлаётган **эди** (ёрдамчи феъл асосий феъл олдида)

Англ. **was** writing, **was** working (ёрдамчи феъл асосий феъл ортида)

Қиёсланаётган категориал формалар хилма-хиллик бўйича фарқ қилиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги кўplik **-(e)s** формаси уч хил фонологик боғланган кўринишга эга: **/-z /, /-s/, /iz/**. Унинг ўзбек тилидаги шериғи бўлмиш **–лар** кўplik формаси эса фонологик боғланган хилма-хилликка эга эмас.

Бир хил номли категориал формаларнинг ишлатилиш тилларда бир хил бўлмаслиғи мумкин. Масалан, инглиз тилида аниқлик майлидаги келаси замон формаси рус тилидагидан фарқли равишда шарт ва пайт эргаш гапларда ишлатилмайди. Унинг ўрнига аниқлик майлидаги ҳозирги замон формаси ишлатилади:

You'll come across some misprints when you **read** this book.

Вы встретите несколько опечаток, когда **будете читать** эту книгу.

If you **help** me every day, I shall finish it in time.

Если вы **будете помогать** мне ежедневно, я закончу его во время.

Икки тилдаги бир номли грамматик категорияларнинг тарқалиш даражасини аниқлаш учун ўша грамматик категория бир сўз туркумига қирувчи барча сўзларда мавжудлиғи ёки бир гуруҳидагина мавжудлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Бу соҳадаги фарқни инглиз ва ўзбек тилларидаги келишик категорияларида кўриш мумкин. Инглиз тилида келишик категориясига жонли нарсаларни ифодаловчи отларгина эга, ўзбек тилида эса бу грамматик категорияга барча отлар эга.

Грамматик категория бир қолипли ва кўп қолипли бўлиши мумкин. Масалан, сон грамматик категорияси инглиз тилида кўп қолипли, ўзбек тилида эса бир қолипли:

Ингл..	Ўзб.
book - books	китоб - китоблар
tooth - teeth	тиш - тишлар
man – men	одам - одамлар
child - children	бола - болалар
ox - oxen	буқа - буқалар
deer - deer	буғу - буғулар
datum – data	маълумот - маълумотлар

Грамматик категорияларнинг кўп қолиплиги инглиз тилига хос. Бу тилда грамматик категорияларнинг кўпчилиги кўп қолипли.

Грамматик категорияларнинг ишлатилиш частотаси ўртасидаги фарқларни аниқлаш матинлардаги формаларни санаш (статистик таҳлил асосида) орқали аниқланади.

Илгари айтилганидек, чет тилини ўқитишда синонимлар ва тиллараро эквивалентлар муҳим роль ўйнайди. Шу сабабдан қиёсий ишларда грамматик формаларнинг ҳам бир сатҳли, ҳам турли сатҳли синонимлари аниқланиши керак. Бошқача айтганда, икки тиллик ёки кўп тиллик грамматик параллеллар (диаформала) яратиш керак.

Сўз бирикмаларини қиёслаш

Маълумки, сўз бирикмаси камида иккита мустақил сўзнинг синтактик алоқа, муносабат, ҳамда интанация асосида бирикишидир. У ички жиҳатдан камида иккига бўлинган, аммо бутун тушунчани англатади.

Сўз бирикмаларининг сони саноксиз (чексиз), аммо улар санокли қолиплар асосида ясалади. Айтиш лозимки, қолипларнинг бир қисми кўп

маънолидир. Масалан, N's + N қолипи асосида ясалган инглиз тилидаги сўз бирикмаларининг маънолари ичида агентив (Tom's arrival) ва эгалик муносабатини (Tom's book) англатувчи синтактик маънолар ҳам мавжуд. Шунинг учун тиллардаги сўз бирикмаларини қиёслашда синтактик қолиплардан ташқари улар асосида ясалган конкрет сўз бирикмаларни ҳам жалб қилиш керак. Агар синтактик қолип бешта маънога эга бўлса, шу маъноларнинг ҳар бирини ифодаловчи бешта нутқ намуналари келтирилади. Тузилган нутқ намуналарида талабалар учун нотаниш сўзлар бўлмагани маъқул. Сўнгра бу нутқ намуналарининг она тилидаги муқобиллари аниқланиб уларнинг ўша тилдаги қолиплари тузилади. Масалан:

Ингл.

Ўзб.

N's + N: 1. Tom's arrival Томнинг келиши Nнинг + ҳаракат номи+и
2. Tom's book Томнинг китоби Nнинг + N+и

Кўриниб турибдики, келтирилган синтактик синонимлар грамматик жиҳатдан турлича шаклланган. Биринчи ўзбек нутқ тилидаги нутқ намунасида ядро (аниқланмиш) инглиз тилидагидан фарқли равишда бош келишикдаги, эгалик категориясининг учинчи шахс бирлик формасидаги ҳаракат номи билан ифодаланган. Унинг инглизча муқобили эса бош келишикдаги от билан ифодаланган. Иккинчи ўзбек нутқ тилидаги нутқ намунасида ядро инглиз тилидагидек от билан ифодаланган, аммо у эгалик формасида. Бундай сўз бирикмалари туркологияда **изофа қурилмалари** деб аталади. Изофа қурилмалари инглиз тилига ёддир.

Ў.Қ.Юсупов сўз бирикмаларини қуйидагича қиёслашни тавсия қилади:

1). Уч турдаги синтактик алоқа асосида уларни бир томонлама тобе (иссиқ чой – hot tea), икки томонлама тобе (Онам касал бўлиб,...- Mother being ill ...) ва тенг алоқали (Боб ва Том - Bob and Tom турларини йиғиш.

2). На основе трех типов синтаксических связей деление всех словосочетаний языка на односторонне подчинительные (иссиқ чой – hot tea

- горячий чай), двухсторонне подчинительные (Онам касал бўлиб,...- Mother being ill ...) и сочинительные (Боб ва Том - Bob and Tom - Боб и Том).

3). Чет тилида уччала турдаги сўз бирикмаларига кирувчи барча сўз бирикмаларининг қолипларини аниқлаш.

4). Ҳар бир қолипнинг синтактик маъносини аниқлаш.

5). Ҳар бир қолип асосида нутқ намуналарини тузиш.

6). Тузилган нутқ намуналарини она тилига таржима қилиш.

7). Она тилидаги таржималарни моделлаштириш.

8). Чет тилидаги ва она тилидаги қолипларни қиёслаш. Бунда қуйидаги нарсалар қиёсга тортилади:

а) синтактик қолипларнинг умумлашган маънолари,

б) сўзларни боғловчи воситалар,

в) компонентлар сони,

г) сўз туркумлари ва уларнинг лексик-грамматик турлари,

д) боғловчи воситаларнинг жойлашуви,

е) мослашув, бошқарув ва битишув синтактик усуллар (агар сўзлар ўртасида тобелик алоқаси мавжуд бўлса),

ё) сўз бирикмаси компонентларининг тартиби,

ж) урғусининг жойлашуви,

з) стилистик белгиси,

и) ишлатилиш частотаси,

й) синонимлари.

к) қолиплар сони

Содда гапларни қиёслаш

Маълумки, гап тилнинг энг кичик, аммо муҳим коммуникатив бирлигидир. Конкрет гаплар сони конкрет сўз бирикмалари сони каби чексиздир. Лекин уларнинг қолипларининг сони санокли.

Гапларни қиёслаш гап турларининг қолипларини ва улар асосида тузилган нутқ намуналаларини қиёслаш йўли билан амалга оширилади. асосида амалга оширилади. Гапнинг турлари ва турлар ичидаги янада кичик турлар кичик системалар ҳисобланади. Типы и подтипы предложений представляют собой малые синтаксические системы.

Тилшуносликда гаплар бир қанча катта ва кичик турларга бўлинади:

1. Содда гаплар

Икки таркибли гаплар

Бир таркибли гаплар

Ёйиқ гаплар

Йиғиқ гаплар

Дарак гаплар

Сўроқ гаплар

Буйруқ гаплар

Эмоционал гаплар

Шахсли аниқ гаплар

Шахси номаълум гаплар

Шахси умумлашган гаплар

Атов гаплар

Инфинитив гаплар

Ҳа,Йўқ гаплари

Этикет гаплари

Бўлишли гаплар

Инкор гаплар

Эллиптик бўлмаган гаплар

Эллиптик гаплар

3.Қўшма гаплар

Боғанган қўшма гаплар

Бириктирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Зидлов муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Айирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Сабаб муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Шарт муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Изоҳ ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Эргашган қўшма гаплар

Эга эргаш гапли қўшма гаплар

Кесим эргаш гапли қўшма гаплар

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар

Ҳол эргаш гапли қўшма гаплар. Бу турдаги эргашган қўшма гаплар ўз навбатида яна 10 та майда турларга бўлинади:

Пайт эргаш гапли қўшма гаплар

Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар

Мақсад эргаш гапли қўшма гаплар

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар

Натижа эргаш гапли қўшма гаплар

Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар

Пропорционал (ўлчов- даража) эргаш гапли қўшма гаплар

Қиёс эргаш гапли қўшма гаплар

Равиш эргаш гапли қўшма гаплар

Номинатив гаплар ёзма тилнинг маҳсули, шунинг учун у ёзуви йўқ тилларда мавжуд эмас.

Турли тиллардаги содда гапларни қиёслаш қуйидагича амалга оширилади:

1. Чет тилида юқорида кетирилган содда гапнинг ҳар бир турига нутқ намуналари тузиш.

2. Тузилган нутқ намуналарини қолиплаштириш (моделлаштириш).
Қолиплар ўша нутқ намуналарининг энг асосий белгиларини акс эттириши керак.

3. Тузилган нутқ намуналарини она тилига таржима қилиш.

4. Таржима-гапларни қолиплаштириш.

5. Қолипларни ва улар асосида тузилган нутқ намуналарини қуйидаги белгалар лар асосида қиёслаш:

а) синтактик қолипларнинг умумлашган маънолари,

б) гап ичидаги сўзларни боғловчи воситалар,

в) компонентлар сони,

г) сўз туркумлари ва уларнинг лексик-грамматик турлари,

д) сўзларни боғловчи воситаларнинг жойлашуви,

е) мослашув, бошқарув ва битишув синтактик усуллар (агар сўзлар ўртасида тобелик алоқаси мавжуд бўлса),

ё) гап бўлақларининг тартиби,

ж) синтактик, семантик ва тема-рематик структураларнинг муносабати,

з) интонацияси

и) стилистик белгиси,

й) ишлатилиш частотаси,

к) синонимлари.

л) қолиплар сони

Гапдаги синтактик, семантик ва тема-рематик структураларнинг муносабатини инглизча (The house was built by workers) ва ўзбекча (Уйни ишчилар қурган) синонимик гаплар мисолида кўриш мумкин:

The house	эга, объект, тема.
Уйни	тўлдирувчи, объект, тема.

was built	кесим, феъл-предикат , реманинг бўлаги
қурилган	кесим, феъл-предикат , реманинг бўлаги

by workers
ишчилар

агенс, тўлдирувчи, реманинг бўлаги
эга, агенс, реманинг бўлаги

Кўриниб турибдики, инглизча гапда объект эгага, ўзбекча гапда эса тўлдирувчига тўғри келяпти. Агенс эса инглизча гапда тўлдирувчига, ўзбекча гапда эгага тўғри келяпти..

Маълумки, ҳар бир тилда этикет гаплар бор (Ассолом аллайкум! Салом! Ҳуш келибсиз! Hallo! Good morning! You are welcome! ва ҳокозо). Бу маданият билан боғлиқ бўлган гаплар вазифа жиҳатдан ўхшаса ҳам, конкрет маънолари ва структуралари жиҳатдан жуда катта фарқ қилади. Шунинг учун бундай гапларни алоҳида қиёслаш маъқул. Бунда қолиплар ишлатилмай, вазифаси жиҳатдан ўхшаш ва бир хил нутқ вазиятида қўлланиладиган нутқ этикетлари қиёсга тортилади.

Қўшма гапларни қиёслаш

Қўшма гапларни қиёслаш унинг майда турларини билишни тақозо қилади. Майда турларнинг қолиплари кичик синтактик системаларни ҳосил қилади. Қўшма гапларни қиёслаш мана шу кичик системаларни қиёсашдан бошланади. Қўшма гаплар ва уларнинг майда турлари юқорида кўрсатилганидек қуйидагилар:

Боғанган қўшма гаплар

Бириктирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Зидлов муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Айирув муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Сабаб муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Шарт муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Изоҳ ифодаловчи боғланган қўшма гаплар

Эргашган қўшма гаплар

Эга эргаш гапли қўшма гаплар

Кесим эргаш гапли қўшма гаплар

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар

Ҳол эргаш гапли қўшма гаплар. Бу турдаги эргашган қўшма гаплар ўз навбатида яна 10 та майда турларга бўлинади:

Пайт эргаш гапли қўшма гаплар

Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар

Мақсад эргаш гапли қўшма гаплар

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар

Натижа эргаш гапли қўшма гаплар

Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар

Пропорционал (ўлчов- даража) эргаш гапли қўшма гаплар

Қиёс эргаш гапли қўшма гаплар

Равиш эргаш гапли қўшма гаплар

Ў.Қ.Юсупов тузилган қўшма гап қолиплари ва улар асосида тузилган нутқ намуналарини қуйидаги белгилар асосида қиёслашни тавсия қилади:

- 1) умумлашган мавҳум маъноси,
- 2) таркибидаги гапларни боғловчи воситалар,
- 3) боғловчи воситалар сони ва уларнинг ўрни,
- 4) боғланиш маркази (агар эргаш гапли қўшма гаплар қиёсланаётган бўлса)
- 5) қўшма гап қисмларининг таркиби,
- 6) кесимдаги майл, замон, таксис шахс, сон, бўлишлилик-бўлишсизлик формаларининг ўзаро муносабати,
- 7) қисмларининг содда гап турларига мос келиши-келмаслиги
- 8) стилистик хусусиятлари,
- 9) ишлатилиш частотаси;

10) структурасининг очик-ёпиқлиги,

11) қисимларининг парциляцияга (бўлинишга) мойиллиги,

12)ўша гапнинг синонимлари,

Демак, икки тилдаги синтактик бирликларни қиёслашда қолиплар ва нутқ намуналари жалб қилинади. Бу тушунчалар табиий тиллардаги ранг-баранг сўзлар билан тўлдирилган, турли маъноли сон-саноксиз синтактик бирликларни сон жиҳатдан чегараланган аниқ мажмуалар рўйхатига айлантириш имконини беради.

ТИЛЛАРНИ НУТҚ ФАОЛИЯТИ ВА МАТН ПЛАНИДА ҚИЁСЛАШ

Нутқ фаолияти, содда қилиб айтганда, мулоқот жароёнидир. Нутқ фаолиятининг бирлиги нутқ акти (нутқ ҳаракати) ҳисобланиб, у сўзловчи ва тингловчи томонидан амалга оширилади.

Нутқ фаолияти одатда нутқ операцияларидан ташкил топади. Бир фикрни ифодалашга мўлжалланган икки тилдаги нутқ актлари бир-биридан нутқ операциялари билан фарқ қилиши мумкин. Масалан, нутқ актининг ҳосиласи бўлган ўзбекча "Ҳаво яхши" гапи русча "Погода хорошая" гапидан род формасини танлаш операциясининг йўқлиги билан фарқ қилади.

Демак, тилларни нутқ фаолияти планида қиёслаш бир маънони ифодалашга мўлжалланган нутқ актларини ҳосил қилувчи операцияларни қиёслаш керак. Яна бир мисол. Инглиз тилидаги / d / и узбек тилидаги / д / товушларининг талаффуз қилишдаги операциялар қуйидагилар:

Инглиз тилидаги / d / бўйича:
бўйича:

Ўзбек тилидаги / д /

1) тил учи таранглашади
орқасига

1) тил учи юқори тишлар

2) таранглашган тил учи	тиркалиб тўсиқ ҳосил қилади
альвеолга (қаттиқ танглайга)	2) кучли ҳаво оқими тўсиқни зарб билан очиб юборади
тиркалиб тўсиқ ҳосил қилади	3) товуш пайчалари титрайди
3) кучли ҳаво оқими тўсиқни зарб билан очиб юборади	
4) товуш пайчалари титрайди	

Қиёслашдан қуйидаги фарқларни кўрамиз. Инглиз товишини талаффуз қилишда тил учи таранглашади ва алвеолга тиркалади, ўзбек тилида эса тил учи таранглашмайди ва у алвеолга эмас балки юқори тишлар орқасига қўйилади.

Ўхшашликлар қуйидагилар: иккала тилда кучли ҳаво оқими тўсиқни зарб билан очиб юборади ва товуш пайчалари титрайди.

Айтиш лозимки, бугунги кунда тилларни нутқ фаолияти планида қиёслаш деярли учрамайди. Сабаби, Ў.Қ.Юсупов фикрича, нутқ фаолияти назариясининг етарли ривожланмаганлигидир.

Тилларни матн планида қиёслаш

Лисон матн сифатида воқеланар экан ва усиз мавжуд бўла олмас экан, тилларни қиёслашда матнларни жалб қилмасликдан илож йўқ. Бу ҳақида таржима соҳасидаги таниқли олим А.В.Федоров бундай дейди: "Отказ от привлечения материала переводов, от изучения фактов речи, от стилистического аспекта исследования приводит к относительной бедности сопоставлений и делает менее понятной жизнь рассматриваемого лингвистического явления в двух языках"(А.В. Федоров 1961, 17).

Қиёслашнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ ҳолда асл матнлар ва уларнинг таржималарини жалб қилиш мумкин. Ю.С.Маслов (1978, 43)

фикрича, чоғиштира тилшуносликда таржималарни тахлил қилиш илмий изланиш методларидан биридир. Бу олим айниқса бир асарнинг икки таржимон томонидан ўгирилган иккита вариантлари тахлил қилишни афзал кўради. Ў.Қ.Юсупов инглиз ва ўзбек тилларини қиёслашда бошқа таржима қилинган асарлардан ташқари Президентимиз И.А.Каримовнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги асарларини ҳам жалб қилишни тавсия қилади. У таржима қилинган матнлар йўқ бўлган тақдирда анкетали таржима қилишни таклиф қилади.

Тилларни матн планида қиёслаш матннинг қуйидаги белгилари асосида амалга оширилади:

- 1) матннинг узунлиги,
- 2) монологик ва диалогик нутқнинг белгилари,
- 3) кўчирма ва ўзлаштира гапларнинг белгилари,
- 4) матн таркибидаги мустақил гапларни, мураккаб синтактик бутунликларни боғловчи воситалар,
- 5) синтактик компрессия ва ҳокозолар.

Икки тилдаги синоним матнларнинг узунлигини сўзлар, морфемалар, фонемалар, ҳарфлар, гаплар сони ёрдамида ўлчаш мумкин.

ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

1. Қиёслаш мумкинлиги тамойили

Тилларни қиёслашда тилшунос учта ҳолатга дуч келиши мумкин:

1. Қиёсланаётган тил ҳодисалари иккала тилда яхши ўрганилган.
2. Қиёсланаётган тил ҳодисалари иккала тилда ҳам ўрганилмаган
3. Қиёсланаётган тил ҳодисалари бир тилда яхши ўрганилган, иккинчисида ўрганилмаган.

Қиёслаш мумкинлиги тамойили қиёслашдан аввал иккала тил ҳодисаларини ўрганиш даражасини маромига келтиришни тақозо қилади.

2. Системалик тамойили

Қиёсланаётган тил ҳодисалари изоляция ҳолатда эмас, балки парадигматик гуруҳ (система) ичида қисланиши керак.

3. Терминологик бирхиллик тамойили

Лингвистик терминлар иккала тил учун бир ҳил маънода қўлланиши керак.

4.Етарли даражада чуқур қиёслаш тамойили

Қиёсланаётган тил ҳодисаларини шунчаки юзаки қиёсламай, уларни барча асосий белгилари бўйича чуқур қиёслаш керак.

5. Икки томонлама қиёслаш тамойили

Бу тамайил икки тилдаги қиёсланаётган тил ҳодисаларига тенг эътибор беришни тақозо қилади.

6. Лингвистик билимларни ижобий ва салбий кўчириш тамойили

Бир тил ўрганилмаган бўлса, у тилни ўрганишда тилшуноснинг бошқа тиллар ҳақидаги билимлари ёрдам бериши мумин, аммо у бунда бошқа тиллар бўйича билимини нотўғри қўллаб қўйиши мумкин. Масалан, ўзбек

тили грамматикасини ёзган рус тилшунослари рус тилида олтига кулишик бўлганлиги учун ўзбек тилида ҳам олтига келишик бор деб ҳисоблаганлар. Демак, лингвистик билимларни ижобий ва салбий кўчириш тамойили бир тилни ўрганганда бошқа тиллар ҳақидаги билимларини моҳирона ва объектив равишда биринчи тилга кўчириши керак, бўлмаса у тилга унда бўлмаган белгиларни нотўғри кўчириши мумкин.

7. Тиллар қардошлигини ҳисобга олиш тамойили

Бир-бирига яқин бўлган тилларни қиёслаш ва қардош бўлмаган тилларни қиёслаш турли хил ёндашувларни талаб қилади, Масалан, ўзбек ва хитой тилларини қиёслаш майдоний ёндашувни, турк ва ўзбек тилларини қиёслаш эса кичик системаар орқали қиёслашни тақозо этади.

8. Тил бирликларининг статистик хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили.

Маълумки, тил бирликлари нутқда ишлатилиши бўйича миқдорий белгиларга эга. Тилларни қиёслаганда мана шу белгиларни ҳам қиёсга тортиш керак бўлади.

9. Синхронлилик тамойили

Қоғиштира лингвистикада тиллар синхроник планда, яъни бир вақт кесимида қиёсланади. Масалан, ҳозирги ўзбек тили ҳозирги инглиз тили билан қиёсланиши керак.

10. Худудий чегараланмаслик тамойили

Бу тамойилга биноан дунёнинг ҳар қандай худудида жойлашган тилларни қиёслаш мумкин.

11. Функционал стилларни ҳисобга олиш тамойили

Тиллаларни бир хил стилда қиёслаш талаб қилинади. Масалан, ўзбек тили оғзаки нутқни инглиз тили оғзаки нутқи билан қиёсланади.

12. Вазифаларнинг ўхшашлиги тамойили

Қиёслашга мўлжалланган тиллардаги ҳодисалар вазифаси жихатидан ўхшаш бўлиши керак. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларидаги **It is snowing** ва **Қор ёғяпти** гаплари структуралари жихатдан мутлақо бошқача бўлса ҳам, уларни бемалол қиёслаш мумкин, чунки уларнинг вазифалари ўхшаш – бир хил маънони (ёмғир ёғаётганлигини) ифодалайди.

13. Соддалаштириш тамойили

Бу тамойил тилларни лингводидактик жихатдан қиёслашга таалукли. Унга кўра қиёсий ишларда талабаларга тушинарли бўлган атамалар ишлатилиши керак.

14. Минимал мавҳумлилик тамойили

Бу тамойил олдинги тамойил билан бевосита боғлиқ. Унга кўра атамалар мавҳумлиги минимал даражада, яъни талабалар тушуна олиш даражасида бўлиши керак.

15. Қисқартиш тамойили

Бу тамойил ҳам тилларни лингводидактик жиҳатдан қиёслашга тааллуқли. Унга кўра барча тил ходисалари эмас, балки ўшаўқув дастурларида назарда тутилган тил ҳодисаларигина, яъни грамматик ва лексик минимумлар қиёсга тортилади.

16. Она тили диалектларини ҳисобга олиш тамойили

Бу тамойил ҳам тилларни лингводидактик жиҳатдан қиёслашга тааллуқли. Унга икки тил фонеик системаларини қиёслашда ўша тилдаги диалектларни, яъни талабаларнинг диалектик талаффузларни ҳисобга олиш талаб қилинади. Чунки вилоятлардан келган талабаларнинг кўпчилигида фонетик диалектизмлар кўп. Уларнинг талаффуси турлича, Ҳар бир диалект асосида ҳосил бўлган интерференциялар ҳар хил фонетик хатолар туғдиради..

17. Тиллараро интерференциялар ва фацилитацияларни ҳисобга олиш тамойили

Бу тамойил чоғиштира лингвистиканинг энг муҳим тамойиллардан бири бўлиб, унга кўра аниқланган тиллараро фарқлар ва ўхшашликларнинг методик жиҳатдан аҳамияти аниқланади. Бошқача айтганда, аниқланган тиллараро фарқлар тиллараро интерференцини келтириб чиқаза олиши - чиқаза олмаслиги, тиллараро ўхшашликлар эса тиллараро фацилитация келтириб чиқаза олиши-чиқаза олмаслиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Демак, тилларни назарий ва лингводидактик жиҳатдан қиёслаш ўзларининг на фақат мақсадлари ва вазифалари билан, шу билан бирга ўзларининг қиёслаш тамойиллари билан ҳам фарқ қилади.

Тилларни лингводидактик жиҳатдан қиёслаш чет тилини ўқитиш методикаси билан бевосита боғлиқ. Бу фандан олинган билимлар талабаларимизнинг чет тили бўйича кўникма ва малакаларини янада мустаҳкамлайди ва тил ўқитиш жароёнини сезиларли даражада оптималлаштиради.

Профессор Ў.Қ Юсуповнинг “Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштира лингвистикаси ” ўқув қўлланмаси ҳақида

Бу иш инглиз тилида ёзилган бўлиб, унда олимнинг чоғиштира лингвистика бўйича назарий фикрлари инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида амалиётга тадбиқ қилинган. У “Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages.”(–Т.:Akademnashr, 2013) деб аталади. Бу муҳим асар ҳақида китобнинг масъул муҳаррири Низомий номидаги давлат педагогика университети чет тиллар факультети профессори Ж.Жалолов қуйидагиларни ёзади:

“Давр талабига монанд илмий-техниковий фундаментал ва амалий қўлланмалар яратишга алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Шу аснода чет тиллардан ҳам махсус адабиётларларга эҳтиёж ошди. Ушбу қўлланма етук ўзбек германистларининг пешқадам вакили Ў.Қ.Юсупов қаламига мансуб замонавий, айна пайтда, жуда муҳим қўлланмадир. Қўлланманинг муҳимлиги шундаки, шу кунгача Ўзбекистон олий юртлари чет тиллар факультетларининг инглиз тили талабаларига мўлжалланган “Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси” деб аталмиш фанини ўқитишда тилнинг барча сатҳларини жалб қилувчи бирорта дарслик ёки қўлланма йўқлигидир. Маскур қўлланма инглиз тилида ёзилган. Унда иккала тилнинг, яъни инглиз ва ўзбек тилларининг фонетик, лексик, грамматик сатҳлари ва стилистик воситалари қиёсга тортилиб, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар очиб берилган, унда муаллиф жаҳон миқёсида эришилган соҳавий ютиқлардан ўринли ва унумли фойдаланган. Ишнинг яна бир муҳим томони қўлланмада тиллараро фарқлар ва ўхшашликларнинг методик аҳамияти – интерференция ва фацилитацияга муносабати - очиб берилган, инглиз тили ва ўзбек тилларидаги айрим тил ҳодисалари (инглиз тилида майл ва таксис грамматик категориялари, ўзбек тилида феълдаги майл, нисбат, тарз, каузатив, биргалик грамматик категориялари, сондаги

доналик ва тахминийлик категориялари) янгича талқин қилинган. Айниқса кўлланмада глоссорийнинг берилиши ва уни инглиз тилида ёзилиши алоҳида тақсинга сазовардир, чунки унда ишлатилган деярли барча инглиз тилидаги атамаларга ўзбек тилида изоҳ берилган. Ишда маърузалар ва амалиёт дарслари учун мавзулар алоҳида-алоҳида қилиниб тавсия қилинган.

Муаллифнинг “Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси” атамасини “Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштира лингвистикаси” атамаси билан алмаштирганлигини олқишлаймиз. Бу атама Европа мамлакатларида аллақачон истемолга кирган...

Келтирилган далилий фактлардан аён бўладики, мустақил Ўзбекистонда инглиз ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш бўйича фундаментал асар яратилди.

...Кўлланманинг ўзбек гуруҳларида инглиз тилини ўқитишни яхшилашига ишончимиз комил. (Проф. Ж.Жалоловнинг тақризидан кўчирма)

Ишда инглиз ва ўзбек тилларидаги деярли барча фонетик, грамматик, лексик бирликлар ва стилистик троплар қиёсга тортилган. Бизнингча, бундай кенг кўламли иш ҳеч қайси мамлакатда ҳали амалга оширилмаган.

Проф.Ў.Қ.Юсуповнинг чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик фанлари ҳамкорлиги ҳақидаги фикрлари

Республикамиз мустақилликка эришгач, унинг бошқа мамлакатлар билан сиёсий, иқдисодий ва гуманитар муносибатлари мислсиз ўсди, бу эса ўз навбатида фуқароларимизнинг ҳорижий тилларни ўрганишга қизиқишини кучайтириб юборди. Фуқароларимизни ҳорижий тилга ўргатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мана шундай вазиятда чет тилига ўргатишнинг лингводидактик асоси бўлмиш чоғиштира тилшуносликнинг аҳамияти янада ортди. Тилшуносликнинг бу соҳасини ривожланишига юртимиз олимларининг ҳиссаси катта бўлди. (Бу ҳақида қаранг: Ў.Қ.Юсупов 2007). Худди шундай фикрни таржимашунослик ҳақида ҳам айтиш мумкин. Мамлакатимиз учун билимдон таржимонларга эҳтиёж қатор олий

юртларимизда таржимонлик факультетларини очилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда таржимонларимиз хорижий тилдаги матнларни тўғридан-тўғри она тилимизга ва она тилимиздан хорижий тилга таржима қилмоқдалар.

Проф. Ў.Қ. Юсупов чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик бир-бирларига жуда яқин, аммо улар ўртасида фарқлар борлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу фарқлар қуйидагилар:

1. Чоғиштира тилшуносликни асосан тиллараро ўхшашликлар ва фарқлар, таржимашуносликни эса матнлараро эквивалентлар қизиқтиради.

2. Таржимашунослик тил бирликларининг таксономиясига бефарқ қарайди. Масалан, инглизча **stone wall** сўз бирикмасидаги **stone** сўзи сифатми ёки отми бу муаммонинг таржимашунослик учун аҳамияти йўқ, аммо унинг рус тилига **каменная** сўзига муқобил бўлиши эса аҳамиятлидир.

3. Таржима қилиш процессининг механизмини аниқлаш таржимашуносликнинг вазифасидир.

4. Таржимашуносликда фақат маъноси бўлган бирликларгина қиёсланади, чоғиштира тилшуносликда эса ҳам маъноси бўлган, ҳам маъноси бўлмаган бирликлар қиёсланади.

5. Чоғиштира тилшуносликни лисоний муқобиллар, таржимашуносликни эса асосан нутқий (матн) муқобиллар қизиқтиради.

6. Чоғиштира тилшунослик асосан мавҳум маънолар билан, таржимашунослик конкрет маънолар билан иш кўради.

7. Таржимашуносликни икки тил бирликлари ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларнинг сабаби қизиқтирмайди.

8. Таржимашуносликда тиллараро муқобиллар таржима тилида қидирилади, чоғиштира тилшуносликда эса улар аввал она тилида, кейин хорижий тилда қидирилади, яъни муқобиллар қидириш икки томонлама бўлади.

9. Чоғиштира тилшунослик ҳам, таржимашунослик ҳам ўз вазифаларига, йўналишларига, тадқиқот методларига, тамойилларига эга.

Бу фарқларга қарамай, бу икки фан бир-бирини тўлдириб, ҳамкорликда бўлади. Бу ҳақида машҳур рус таржимашуноси А.Д.Швейцер бундай деб ёзади: “...при профессиональной подготовке переводчиков на переводческих факультетах и отделениях наших языковых вузов целесообразно включать в программу курсы контрастивной грамматики, лексикологии и стилистики. Желательно, чтобы этот курс предшествовал курсу теории перевода и чтобы между ними была тесная преемственная связь». (А.Д.Швейцер 1987,167).

Таржимашуносликдаги “адекват таржима” тушунчаси чоғиштира тилшунослик учун ҳам катта аҳамиятга эга. Адекват таржима – бу денотатив, стилистик, прагматик ва гендер маънолари жиҳатдан асл бирликка тенг бўлган таржима тилдаги бирликдир.

Чоғиштира тилшунослигида шундай йўналиш борки, унда аввал икки тилдаги бирликлар қиёсланади, сўнгра улар ўртасидаги эквивалентлилик муносибати аниқланади. Бундай қиёслаш чоғиштира тилшуносликда “трансляцион (транслатив) ёндашув “ деб аталади. Трансляцион қиёслашга асосланган илмий ишлар ўтган асрнинг эллигинчи ва отмишинчи йилларида кенг тарқалган эди.

Бир тилдаги сўзга иккинчи тилда сўз, сўз бирикмаси, фразиологик бирлик ёки бирдан ортиқ сўз муқобил бўлиши мумкин:

Москва - Moscow

кровообращение – circulation of the blood

тупик – blind alley

измена - treason, treachery, betrayal

Чоғиштира тилшунослигида муқобиллар бир тилдан иккинчи тилга бевосита таржима қилинган матнлар асосида аниқланади. Бундай матнлар бўлмаган тақдирда анкетали таржимадан фойдаланиш мумкин. Бунда тадқиқотчи иккала тилни яхши билувчи уч кишидан кам бўлмаган

информантларга кўзда тутилган тил бирлигини ўз ичига оловчи гапни таржима қилиб беришни илтимос қилади ва кўпчиликда бир хил бўлган таржималарни тўғри муқобил деб топади. Анкетали таржима бунинг тескараси ҳам бўлиши мумкин. Бунда тадқиқотчи таржимани ўзи қилиб, унинг тўғри-нотўғри эканлигини иккала тилни яхши билувчи уч-тўрт кишидан сўраб аниқлайди.

“Эквивалентсиз сўз” ва “лакуна” тушунчалари хар иккала фан учун ҳам аҳамиятлидир. Агар бирор тилдаги сўзга иккинчи тилда муқобил сўз топилмаса, у сўз эквивалентсиз сўз ҳисобланади ва иккинчи тилда лакуна борлиги ҳақида гапирилади. Эквивалентсиз сўзлар одатда ўша тил соҳиби бўлган миллатнинг (этноснинг) маданиятига тааллуқли нарсани ифодалайди. Бундай тил бирликлари одатда лингвокультурологиянинг бирликлари бўлиб, улар “лингвокультуремалар” деб аталади.

Проф. Ў.Қ. Юсупов таржимашунослик ҳақида гапирар экан, таржиманинг чет тилини ўргатишдаги роли ҳақида қуйидаги қизиқарли фикрни баён қилади. Маълумки, ўтган асрнинг биринчи яримида чет тилига ўргатишнинг ягона йўли таржима методи эди. Бу методнинг салбий томонлари методистлар томонидан одилонга кўрсатилган эди. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ғарб методистларининг кўпчилиги бу методни “мағзини сақлаб қолмай, уни пўчоғи билан ташлаб юбордилар”. Улар таржима машқларига она тилига таянувчи, кераксиз, беҳудага вақт оловчи, коммуникатив бўлмаган машқлар деб қарайдилар. Проф. Ў.Қ. Юсупов таржима машқларининг коммуникатив турларини яратилса, таржима чет тилини ўргатишдаги омилкор воситалардан бири бўлиб қолиши мумкин дейди. Бунинг учун спонтан, кетма-кет, бир зумда бажариладиган таржима машқларини яратмоқ лозим. Бундай машқларда қийинчилик битта бўлиши ва у ўрганилаётган мавзуга тааллуқли бўлиши керак. Шунингдек таржима қилинадиган гаплар оралиғидаги вақт минимал бўлиши ва машқ оғзаки

бажарилиши керак. Бундай тезликдаги спонтан кетма-кет таржима синхрон таржимага яқинлашиб қолади ва у коммуникатив машққа айланади.

Талабаларга диаформаларни чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга қараб ёдлаттириш кейинги машқларни муваффақитли бажарилишига замин тайёрлайди. Диаформа – бу чет тилидаги бирор тил бирлиги ва унинг она тилидаги ҳамма муқобилларидир. Масалан, чет тилидаги ўтган замон формаси бешта маънога эга бўлса, унинг ҳар бир маъносига мос келувчи она тилидаги форма (муқобил) кўрсатилган бўлади. Диаформаларни айниқса она тилидан чет тилига қараб ёдлаш жуда фойдали ҳисобланади, чунки чет тилида гапириш у тилдаги нутқни тушинишдан анча мураккаб. Диаформаларни чет тилидан она тили томонга қараб ёдлаш тушуниш, тескарисси эса гапириш демакдир. Диаформаларни кўринишига мисол:

If I had time I should come

1.Вақтим бўлса, келардим.

2.Вақтим бўлганда, келардим.

Таржима машқларига эҳтиёж шундаки, инсон чет тилини ўрганиш жараёнининг дастлабги босқичларида ўз фикрини аввал она тилида ички нутқда ифода этади, кейин уни чет тилига таржима қилиб ташқи нутққа чиқаради., яъни мияда ички нутқда она тилидан чет тилига таржима жараёни кечади. Агар талаба диаформаларни яхшилаб ёдлаб олса, бу жароёнлар автоматлашади, натижада стереотиплар ҳосил бўлади, бу эса ўз навбатида бошқа коммуникатив машқларни бажаришни енгиллаштиради.

Проф.Ў.Қ. Юсуповнинг тилшуносликдаги янги йўналишлар хусусидаги фикрлари

Маълумки, ҳар бир фанда маълум оқимлар пайдо бўлади, айримлари йўқолиб кетади. Бу ҳақида проф.Ў.Қ. Юсупов бундай дейди: Айрим оқимлар воқеликни объектив акс эттира ололмаганлиги учун фан “сахнаси”дан тушиб кетади, айримлари воқеликни кўп томонларини объектив акс эттира олганлиги учун “умрибоқий” бўлиб қолади. Вокийлик сер қиррали

бўлганлиги учун унинг ўрганилмаган қирраларини ўрганишни, ёки ўрганилган қирраларини янада чуқурроқ ўрганишни мақсад қилган ҳолда янги оқимлар пайдо бўлади. Бу оқимларга когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқот каби оралиқ фанларни киритиш мумкин”. Қуйида биз олимнинг бу янги фанлар ва улардаги атамалар ҳақидаги фикрларини келтирамыз.

Когнитив лингвистика инсон билимини ўрганувчи когнитология фани (билиш назарияси) билан лингвистика ўртасидаги оралиқ, яъни соҳалараро фандир.

Инсондаги билим, унинг қандай олинishi, қандай сақланиши, қандай узатилиши кўп фанларни қизиқтириб келади. Кейинги йилларда бу масала тилшуносларни ҳам қизиқтириб юборди, чунки инсондаги кўпчилик билимларнинг пайдо бўлишида, сақланишида ва узатишда тил муҳим воситадир. Тил (лисон) ва нутқ ўзларининг семантикасида, яъни бирликларининг маъноларида дунё ҳақидаги билимнинг бир қисмини акс эттиради. Масалан, борлиқдаги оламга нур ва иссиқлик тарқатувчи думолоқ нарса ўзбек тилида **қуёш** сўзи маъносида акс этади.

Когнитив лингвистиканинг вазифаси: 1) инсондаги билимларнинг пайдо бўлишида тилнинг ролини аниқлаш, 2) олам ва ундаги нарсаларни категориялаштириш (тушинчалар ҳосил қилиб турларга бўлиш), концептуаллаштириш (концептлар ҳосил қилиш) ва аташ (номинация) жароёнларини тушиниш, 3) концептуал система билан тил системаси ўртасидаги муносабатни аниқлаш, 4) оламнинг лисоний ва когнитив (концептуал) тасвирлари (манзаралари) билан боғлиқ бўлган масалаларни ечиш.

Ташқи ва ички оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг тилда ва нутқда акс этиши (инъикоси) образли қилиб айтганда, оламнинг лисоний тасвиридир. Рус тилида у “языковая картина мира” деб аталади. Ташқи ва ички дунёдаги

наrsa ва ҳодисаларни конкрет тилда акс этишини эса, “оламнинг миллий тилдаги тасвири” (национальная языковая картина мира) деб аталади.

Оламнинг инсон онгида концептларда акс этишини когнитив лингвистикада “оламнинг когнитив тасвири” (когнитивная картина мира) ёки “оламнинг концептуал тасвири” (концептуальная картина мира) деб аталади.

Когнитив лингвистиканинг назарий асосида “тафаккур тилсиз бўлади, аммо мулоқот пайтида у тил орқали юзага чиқади” деган тезис ётади. Худди шундай фикр бир қанча йиллар аввал рус олимлари Н.И. Жинкин (1982), А.Р. Лурия (1998) томонидан олдинга сурилган эди.

Когнитив лингвистиканинг энг асосий тушунчаси “концепт” тушунчаси бўлиб, у тил бирлиги эмас, балки онг бирлиги ҳисобланади. Концептларни инсондаги билим ҳазинаси деса бўлади. Когнитив лингвистикада концептни ҳамма тилшунослар тан олсаларда, уларнинг у ҳақидаги фикрлари турличадир.

Тушунча концепт каби онг бирлигидир. Аммо у бирор предмет ёки воқеанинг бошқа предмет ёки воқеадан фарқини кўрсатувчи энг асосий белгиларини онгдаги акс этишидир, Тушунча концептнинг бир бўлаги бўлиб, тилда сўз ва сўз бирикмаси орқали юзага чиқади.

Маъно тушунчанинг тилдаги муқобилидир. Тушунча тилда сўз маъносида акс этади ва у тил ҳисобига бойиши мумкин (Бондарко А.В.1978,82-83). Масалан, **чиройли** ва **гўзал** сўзлари битта тушунчани англатади, аммо иккинчи сўзда бу тушинча стилистик оттенка билан бойиган. Бундай ҳолатни кўпчилик синонимик қаторларга кирувчи сўз маъноларида кўриш мумкин. Сўз маъноси ичида семалар фарқланади. Сема - бу сўз маъносининг қисми бўлиб, у предмет ёки ҳодисанинг бирор белгисини тилдаги аксидир, концептда ва тушунчада у когнитив белги ҳисобланади.

Концепт – бу ташқи ёки ички дунёдаги бирор наrsa ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси (сўзловчига маълум бўлган белгилари), у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал

муносабатлардир. Масалан, ўзбек халқининг “она” концептининг мазмунини лўнда қилиб баён қилинса, у **фарзандли аёл** тушунчасидан ташқари онанинг бизга маълум бўлган барча белги-хусусиятлари, вазифалари, оиладаги ва жамиятдаги ўрни ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Бу концептда образлар талайгина, шулардан биттаси киши туғилиб ўсган, у учун муқаддас саналган мамлакатнинг онага ўхшатилиши **Она Ватан, она юрт, она замин, она тупроқ, она ер** каби сўз бирикмаларида ифодаланган. Концептда онага бўлган муносибатнинг ижобий эканлигини қуйидаги мақолда кўриш мумкин: **Она – меҳрибон, ота ғамгузор** (ЎХМ. 1980, 278). Айтиш лозимки, образ ва муносабат (баҳолаш) ҳамма концептларда ҳам бўлавермайди. Масалан, улар аниқ фанлардаги концептларда деярли учрамайди.

Бугунги кунда концепт тушунчадан кенг эканлигини барча когнитивистлар тушунадилар. Концепт шахсга, коллективга, миллатга, хатто эркакларга, аёлларга, ёшларга ва кексаларга таалукли бўлиши мумкин. Аммо когнитив лингвистикани асосан миллатга тегишли бўлган концептлар қизиқтиради.

Концептнинг кўп қаватли эканлиги ҳам кўпчилик томонидан тан олинади, аммо айримлар (Ю.С.Степанов, С.Г. Воркачѐв ва бошқалар) концептга сўз этимологияси ҳақидаги ахборотни ҳам киритадилар. Проф Ў.Қ.Юсупов бу фикрга эътироз билдиради ва бунга қуйидаги сабабни келтириради. Агар шундай қилинса, концепт фақат индивидуал бўлиб қолади, чунки сўз этимологияси ҳақидаги ахборот фақат тил тарихи билан шуғилланувчи шахсда бўлади, когнитив лингвистикани эса асосан миллат концептлари қизиқтиради.

Концептларни тилда ифодаланиши ҳақидаги фикрлар ҳар хил. А.П. Бабушкин ва С.Г. Воркачевларга кўра, концепт ҳарқачон сўзлар орқали ифодаланади (Қаранг: Попова З.Д. Стернин И.А. 2006, 55). Яна бир бошқа фикрга кўра концептни сўз орқали ифодаланиши шарт эмас (З.Д. Попова З.Д., Стернин И.А. 2006, 55). В.И. Болотов фикрига кўра, у матнда

ифодаланади ва у бундай матнни **когнema** деб атайди (Болотов В.И. 2008, 92).

Онгдаги концептлар ва уларнинг қисмлари бўлмиш тушунчалар тил ва нутқ бирликлари семантикаси ёрдамида ташқарига чиқади. Бу бирликлар – сўзлар (туб, ясама, қўшма ва мураккаб сўзлар), фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, паремиялар, нутқ клишчелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар, шу жумладан фольклор матнлари ва ҳоказолар киради. Буларни айрим тилшунослар “концептнинг номинатив майдони” деб аташади.

Тушунча ва концептларнинг сони ҳамма тилларда бир ҳил эмас. Уларнинг бир қисми айрим миллатларда йўқ. Натижада лақуналар пайдо бўлади. Айрим тушунча ва концептлар бошқа тилдаги шерикларидан қисман фарқ қилиши ёки тўла ўхшаш бўлиши мумкин. Фарқларнинг сабаби миллий-маданий фарқларга, тилларнинг дунёнинг айрим қисмларини турлича бўлиши ва уларни турлича категориялаштириши ёки концептуаллаштиришига, миллатнинг илмий-техник тараққиёти даражасига бориб тақалади. Миллий-маданий фарқлар концепт таркибидаги когнитив белгилар ёки маъно таркибидаги семалар фарқларида ҳам кўринади. У бунга машҳур бўлиб кетган “бутерброд” концептини мисол сифатида келтиради. Руслардаги “бутерброд” концепти “колбасали”, “пишлокли”, “сариёғли”, “катлетли” каби когнитив белгиларга эга, немисларда эса у (Butterbrot) фақат “сариёғли” когнитив белгисига эга, чунки немислар бутербродда фақат сариёғ ишлатадилар.

Концепт билан тушунчани айсберга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир.

Концепт қисмлари тил бирликлари бўйлаб сочилиб кетган, шунинг учун концептни аниқлаш учун концептнинг номинатив майдонини аниқлаш керак ва кейин таҳлил қилиш керак.

Концептнинг мазмуни билан унинг тарткибини адаштирмаслик керак. Концептнинг мазмунини когнитив белгилар йиғиндиси ҳосил қилади. Когнитив белгилар акс эттирилаётган предмет ёки ходисанинг алоҳида белгиларидир.

Концептнинг мазмуни майдоний принцип асосида тартибга солинганлиги барча когнитивистларга маълум. У ядро ва периферияга эга. Когнитив белгиларнинг у ёки бу зонага тушиши ўша белгиларнинг онгдаги ёрқинлик даражаси билан белгиланади.

Концепт тил орқали ифодаланганлиги учун уни унинг номинатив майдонини таҳлил қилиш орқали топилади.

Айрим тилшунослар когнитив лингвистикани ХХІ – асрнинг асосий лингвистик йўналиши бўлиб қолади деб башорат қилмоқдалар. Проф. Ў.Қ.Юсупов бу фикрга қўшилмаслигини билдириб, бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатади:

1. Концепт тил бирлиги эмас, онг бирлиги, демак, тилшуносларнинг бир қисми ўзларининг ҳақиқий лингвистик вазифаларини четга суриб, кўпчилик ҳолларда бошқа фанларнинг “хизматини” қилмоқда. Ҳар бир фан ўз концептларини ўзи ўрганиши керак.

2. Тил орқали мулоқатда одатда концептлар орқали эмас, балки тушунчалар ва уларнинг тилдаги муқобиллари бўлмиш сўз маънолари орқали гаплашилади. Масалан, “-Мен кеча Самарқандга бордим. –Нега бординг? – Ота-онамни кўргани” диалогда ҳеч қандай концепт йўқ. Демак, биз талабаларни чет тилига ўқитишда уларга аввало сўзларнинг маъноларини ва тушунчаларни ўргатишимиз керак. Концептлар эса кўпинча ўқиш учун матнлар танлашда (“Инглиз халқининг байрамлари”, “Наврўз”, “Лондон” ва ҳоказо мавзусидаги матнларни танлашда) ёки Хашар нима? Пикник нима? каби концепт талаб саволларга жавоб беришда керак бўлади.

3. Инсондаги концептлар ва уларнинг мазмуни шунчалик мавҳум ва ноаниқки, у ўзидаги концептлар мазмунини чала билади, аммо у тушунчалар

ва уларнинг тилдаги муқобиллари бўлмиш сўз маъноларини яхши билади ва нутқда уларни тўғри ишлатади.

4. Шу пайтгача чет тил ўқитувчилари талабаларини чет тилига концепт тушунчасисиз муваффақиятли ўқитиб келганлар.

5. Ҳар бир концепт мазмунини талабаларга етказиш ҳаддан ташқари кўп вақтни талаб қилади. Бунинг устига ҳали ҳеч қандай мамлакатда концептлар луғати тузилмаган. Ўн беш-йигирмата концепт мазмунини ёритган асарларни том маънода концептлар луғати деб бўлмайди.

6. Структурал лингвистика ўзининг бошланғич даврида тил бирликларининг конкрет маъноларини (семантикасини) тилнинг предмети эмас деб, фақат абстракт муносабатларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бугунги кунда когнитив лингвистика ҳам семантикани деярли четга суриб қўйиб концептларни ўрганишни ўз вазифасига айлантирмоқда, натижада тилшуносликда, айниқса Россияда, **концептомания** бошланиб кетди. Қизиғи шундаки, когнитив лингвистиканинг ватани бўлмиш АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида концептларни ўрганишга бағишлаган бирорта ҳам илмий иш йўқ. Яна бир қизиқ нарса: Айрим Россия ихтисослашган илмий кенгашларида концепт бўйича ёқлаган диссертация муаллифларига филология фанлари номзоди илмий даражаси ўрнига фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини бериш ҳоллари учрамоқда. Афтидан, бунда концептнинг тил бирлиги эмаслигидан келиб чиқиляётган бўлса керак.

Олим когнитив лингвистикага муносабат билдирар экан, у когнитив лингвистикага эмас, уни идеаллаширилишига қарши эканлигини таъкидлайди. Тилшуносликдаги иккинчи янги йўналиш ҳисобланган лингвомаданиятшунослик ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилади. Унинг вазифасига тил ва маданият муносабатлари, тилда маданиятнинг акс этишини ўрганиш киради. бу масалалар илгари ҳам озми-кўпми ўрганилган (Қаранг: Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. 1983), аммо бу оралиқ фаннинг пайдо бўлиши шу масалаларни изчил ва илмий ўрганишга олиб келди, янги

тадқиқот методларини яратишга мажбур қилди. Бу фан чет тилини ўқитиш назариясига бевосита салмоқли таъсир қилди ва бунинг натижасида чет тили дарсларида фақат тилнигина эмас, балки ўша тилда гапирувчи халқнинг маданиятини ҳам ўргатиш лозим деган тамойил пайдо бўлди.

Лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаси лингвокультуремадир, у В.В.Воробьев томонидан таклиф қилинган бўлиб, кўпчилик уни “маданият концепти” деб тушунади. Ў.Қ.Юсупов уни қуйидагича талқин қилишни таклиф қилади: “Лингвокультурема - бу ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлиги”. Лингвокультуремаларга маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи сўзлар (туб, ясама, қўшма ва мураккаб сўзлар), фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, паремиялар, нутқ клишчелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар, шу жумладан фольклор матнлари ва ҳоказолар киради. Лингвокультурема мазмун ва ифода планига эга, ифода планини юқорида кўрсатилган бирликлар, мазмун планини эса ўша бирликларнинг семантикаси ташкил қилади. Демак, лингвокультурема концептдан ўзининг тил ёки нутқ бирлиги эканлиги билан, ифода ва мазмун планига эга эканлиги билан фарқ қилади.

Маданиятлараро мулоқот фани ҳақида олимнинг фикрлари қуйидагича. У лингвомаданиятшунослик фани билан бевосита боғлиқ.

Маълумки, тил ташқи ва ички дунёни ўзининг бирликларида акс эттиради.

Тилда инсоннинг ўзи ҳам, унинг ҳаёт тарзи, хатти-ҳаракатлари, бошқалар билан муносабатлари, қадриятлари ва маданияти ҳам акс этади. Инсон одамлар ичига кирар экан, унинг тили ишга тушади, яъни у мулоқотга киришади. Кўпсонли мисоллар шуни кўрсатадики, маданиятлараро мулоқотнинг муваффақиятли ўтиши учун фақат тилни ва унинг ишлатилишини билиш етарли эмас экан. Маданиятлараро мулоқотдаги муваффақиятсизликнинг сабабларидан бири коммуникантлардан бирининг

Ўша халқнинг маданияти ҳақида кам билиши ёки умуман билмаслигидир. Демак, мулоқотнинг муваффақиятли кечиши коммуникантларнинг сўзлашилаётган тил соҳибларининг маданиятини билишига боғлиқ. Маданиятлараро мулоқот фанини қуйидагилар қизиқтиради:

- 1) тил ва маданият муносабати,
- 2) маданиятнинг тилда акс этиши,
- 3) Талабаларга лингвокультуремалар ва культуремалар ҳақида ахборотлар бериш.
- 4) маданиятлараро интерференциялар, шу жумладан маданиятлараро конфликт зоналарини аниқлаш,
- 5) маданиятлараро интерференцияларни ва конфликтларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиш,

Культурема лингвокультуремадан фарқли ўлароқ маданиятнинг тил билан бевосита боғлиқ бўлмаган элементларига (хатти-ҳаракат, экстралингвистик воситалар ва ҳоказоларга) нисбатан қўлланилади.

Маданиятлараро мулоқот фани умумий ва хусусий (конкрет икки маданият мулоқоти) бўлиши мумкин. Биринчисига Тер-Минасова С.Г.(2000), Гудков Д.Б. (2003), Грушевицкая и др. (2003) асарлари, иккинчисига юртимиз олимаси Г.Махкамованинг (2011) асари мисол бўлиши мумкин.

Ў.Қ.Юсупов фикрича, лингвомаданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқот фанлари келажаги порлоқ, умрибоқий ва чет тил ўқитишни яхшилашга ҳизмат қилувчи фанлардир. У университетимиз талабаларига, илмий тадқиқотчиларига, докторантларига бу соҳада илмий ишлар олиб боришни тавсия қилади.

ЧОҒИШТИРМА ЛИНГВИСТИКАНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Проф. Ў.Қ. Юсупов тилшуносликда юқорида зикр қилинган йўналишларнинг кириб келиши натижасида чоғиштирама лингвистиканинг вазифалари кенгайишини айтади. У бу вазифаларга янги вазифа, яъни

миллатларнинг тушунчалари ва концептларини қиёслаш вазифасини киритади.

Олимнинг фикрича, тушунча ва концептларнинг сони ҳамма тилларда бир ҳил эмас. Уларнинг бир қисми айрим миллатларда йўқ. Натижада лакуналар пайдо бўлади. Бундай лакуналар халқлар ўртасидаги миллий-маданий фарқларни, тилларнинг дунёнинг айрим қисмларини турлича акс эттиришини ва уларни турлича категориялаштиришини ёки концептуаллаштиришини, миллатнинг илмий-техник тараққиёти даражасини яққол кўрсатади. Миллий-маданий фарқлар тушунча ва концепт таркибидаги когнитив белгилар ёки маъно таркибидаги семалар фарқларида ҳам кўринади. У бунга яна бир бор немис ва рус халқларининг “бутерброд” концептларини мисол сифатида келтиради. Рус тилидаги “бутерброд” концепти “колбасали”, “пишлоқли”, “саригли”, “катлетли” каби когнитив белгиларга эга, немис тилидаги “Butterbrot” эса, фақат “саригли” когнитив белгисига эга.

3.3. Чоғиштира тилшунослик бўйича ҳимоя қилинган бошқа диссертациялар ҳақида

Бошқа диссертациялар ҳақида гапирар эканмиз, уларни икки турга бўлиш керак бўлади: анъанавий тилшунослик асосида ёзилган диссертацион ишлар ва тилшуносликдаги янги йўналишлар асосида ёзилган диссертацион ишлар. Қуйида биз уларнинг бизга маълумларини келтирамиз.

Анъанавий тилшунослик асосида ёзилган диссертацион ишлар

Бундай диссертацион ишларни Фердинант де Соссюрнинг структурализм ғоялари асосида ёзилган қиёсий ишлар десак ҳато бўлмайди. Бундай диссертацион ишлар сирасига қуйидаги ишларни киритиш мумкин:

Садыков А. К вопросу о типологии выражения предикативности(на материале некоторых индо-европеских и тюрских языков). АКД. -М.1969

Ирискулов М.Т. Анализ системы личных,притяжательных и возвратных местоимений современного английского языка(в сопоставлении с узбекскими местоимениями) АКД. - М.1970

Хадятуллаев Р.Р. Соотносительность морфологических средств выражения категории субъективной оценки имен существительных в русском и узбекском языках.АКД.-Т.,1970

Юсупов У.К. Сравнительный анализ английских и узбекских сложноподчиненных предложений с придаточными условиями.АКД.-Т.1971

Зуфарова Н.З. Степени сравнения и сравнительные конструкции в современном английском и узбекском языках.АКД.-Т.1971

Максумов А.Г. Артикуляционные,акустические,перцептивные и фонологические характеистики английских носовых сонантов (в сопоставлении с узбекскими) АКД. - М.1972.

Рахимов С. О месте единиц категории отрицания в системе языка (на материале некоторых индоевропейских и тюркских языков). АКД. - М.1973

Авулов А.М. Структура сочетаемости однокорневых слов (по данным современного английского языка в сопоставлении с материалом узбекского языка) АКД. –Баку, 1973

Охунов О. Английские союзы, союзные слова и их соответствия в узбекском языке (сопостойтельное исследование) АКД. - Т.,1973

Федоров В.А. Словосочетания с субъектным и объектным инфинитивом в немецком и их эквиваленты в узбекском языке. АКД.-Л.,1973

Абдуазизов А.А. К типологии фонологических систем (на материале английского и узбекского языков) АДД. - М.,1974

Намазов К. Сопоставительное исследование косвенной речи в современном немецком и узбекском языках.АКД.-Л.1978

Абдуразаков М.А. Грамматическая структура простого предложения (на материале типологического сравнения французского, русского и узбекского синтаксиса) АДД. -М.1979

Назаров К. Сопоставительное исследование фразеологических единиц с ономастическим компонентом немецкого, английского и русского языков. АКД. -М.,1980.

Каримова.З.Р. Логико-грамматическое чтение простого предложения современного узбекского языка в сопоставлении с английским. АКД.-М.1981

Хашимов Г.М. Сложноподчиненные предложения с придаточными цели в разнотипных языках.АКД.-М.,1982

Кашамов К. Категория причины и способы ее выражения во французском и узбекском языках. Уровень словосочетания. АКД. -М. 1983

Умирзаков Т.Б. Сложноподчиненные предложения с придаточными дополнительными как объект сопоставительно-типологического изучения. АКД. -М.,1988

Уралов Б.У. Типологическая категория рефлексивности в английском и узбекском языках. АКД. -Т.,1988

Исмоилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии. АКД. -М.1988

Исмоилова Б. Категория образности и средства её выражения в словообразовательной системе английского и киргизского языков. АКД.-Т.,1989

Саитниязова Х.М. Сопоставительное изучение имен числительных в современном английском и узбекском языках.АКД.-Т.1989

Джамашева.Г.З. Типологическая категория компаративности.АКД.-Т.1989

Абдувалиев М.А. Сложноподчиненные предложения с придаточными уступительными в разносистемных языках.АКД.-Т.,1989

Эргашев Т. Выражение категории каузативности в разносистемных языках.АКД.-Т.1989

Караева З. Типологическая категория футуральности в языках различных систем.АКД.-Т.1989

Джамашева Г.З. Типологическая категория компаративности.АКД.-Т.,1989

Гадоева М.И. Типологическая категория неопределенности и способы ее неопределенности и способы ее в разносистемных языках.АКД.-Т.1989

Атаева Г.М. Междоментная фразеология в словаре(на материале англ. и немец.языков.). АКД.-Т.,1990

Камбаров Н.М. Фоносематические средства английского языка и их соответствия в узбекском языке.АКД.-Т.,1990

Салимов Г.Х. Повторная номинация в английском и узбекском языках.АКД.-Т.,1991

Пазилова Н.М. Семантика личных местоимений в разносистемных языках (на материале английского и русского языков)АКД.-Т.1991

Шаршенова Р.М. Средства выражения условно-следственного отношения в английском и киргизском языках.АКД.-Т.1991

Кадирова Н.И. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001гг. (на матер.газет и устной речи). АКД. -Т.,2001

Абдуллаева А.А. Лексика сферы международных отношений(на материале русского и узбекского языков) АКД. -Т.,-2003

Абдурахмонова М.Т. Ўзбек ва турк тилларидаги от категорияларининг қиёсий тақини.АҚД.-Т.2004

Доспанова Д.У. Иноязычная орнаментика текста (на материале каракалпакизма русскоязычной прозы) АҚД.-Т.,2004

Назирова Ш.О. Сематическая структура и сочетаемость соматизмов в английском,узбекском и русском языках. АҚД.-Т.,2004

Джумабаева Ж.Ш. Мустақиллик даври публицистик асарларидан қўшма гаплар талқини. АҚД.-Т.,2006

Абдуллаев М.А. Грамматический род как лингвистическая категория. АҚД.Т., 2007

Ашуров Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси. АҚД. - Т., 2007

Бакиров П.У. Номинацетрические пословицы в разносистемных языках.АҚД.-Т.,2007

Исамухамедова Н.Н. Стилистическая адекватность перевода художественного текста (на матер.произведений на английском языке и их переводов на русский и узбекский языки). АҚД.-Т.,2007

Маджидова Р.У. Антропоцентрические пословицы:сематика и лингвостатистика (на материале узбекского и русского языков) АҚД. - Т.,2008

Жоллыбекова М.Р. Типология неполных предложений диалогической речи в разносистемных языках. АҚД.-Т.,2008

Мадрахимов Т.А. Инглиз ва ўзбек тиллари сўзлашув нутқининг функционал семантик хусусиятлари. АҚД.-Т.,2008

Воситов В.А. Жаҳон тилларида полинегативлик ва монологнегативлик муаммоси.АҚД.-Т.,2008

Мирсанов Ғ.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-харакат феълларининг акционал ва аспектвал хусусиятлари.АҚД.-Т.,2009

Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. АҚД.-Т., 2009

Исаров О.Р. Инглиз тилида таксиснинг ифодаланиши тахлили. АҚД.-Т., 2009

Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков. АҚД.-Т., 2009

Мамасолиев И.У. Антонимические группировки в русском и узбекском языках. АҚД.-Т., 2011

Абишназарова М.Н. Артикуляционные переходы и двучленные консонантные сочетания по месту образования в русском и каракалпакском языках. АҚД.-Т., 2012

Туракулова С.Т. Умлаут в немецком и тюркских языках. АҚД.-Т., 2012

Каюмова М.С. Инглиз ва узбек тилларида негативлик категориясининг синтаксем тадқиқи. АҚД.-Т., 2010

Жураева И.А. Номенативные функции антропонимов (на матер. англ., узб и рус. языков) АҚД.-Т., 2012.

Усманов Ф.М. Синтаксико-семантическая типология безлагольных предложений. (на матер. англ. и узб. языков). АҚД. -Т., 2012.

Айтиш лозимки, бу диссертацияларнинг айримлари (Ашуров Ш.С. 2007, Жоллыбекова М.Р. 2008, Каюмова М.С. 2010, Усманов Ф. 2012) А.М.Мухиннинг синтагмама назариясига таянган ҳолда ёзилган, аммо синтаксема назарияси асосида ҳам Соссюр структурализми ётади.

Тилшуносликдаги янги йўналишлар асосида ёзилган диссертацион ишлар

Юқорида проф. Ў.Қ.Юсуповнинг тилшуносликдаги янги йўналишлар бўлмиш Когнитив лингвистика, Лингвокультурология ва Маданиятлараро мулоқот оралиқ фанларирининг пайдо бўлганлиги, уларнинг вазифалари ва атамалари ҳақида гапирилди. Қуйидаги инглиз ва ўзбек чоғиштира

лингвистикаси бўйича ёзилган диссертациялар мана шу янги оқимлар манзарасида яратилган ишлардир:

Панжиева Н.Н Когнитивный аспект оценочных номинаций лица в английском и узбекском языках. АКД.-Т.,2004

Абдурахманова А.К. Способы номинации лиц как отражение языковой картины мира в узбекском и русском языках.АКД.-Т.,2007

Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках.АКД.-Т., 2010

Галиева М.Р. Вербализация концептосферы слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира. АКД.-Т., 2010

